БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 262 (17.842). • 14 ноябрь 1980 йил, жума • Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

«Ўзбекистон ССР халқ депутатлари область Совети тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида

«Ўзбекистон ССР халқ депутатлари область Совети тўғрисида» Ўзбекистон ССР Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига Ўзбекистон ССР қонунларини «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари область Совети тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунига мувофиқлаштириб чиқиш вазифаси топширилсин.

2. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига Ўзбекистон ССР ҳукумати қарорларини мазкур Қонунга мувофиқлаштириб чиқиш топширилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети халқ депутатлари область Советининг тегишли ваколатларидан фойдаланади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХУЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

1980 йил 12 ноябрь.
Тошкент шаҳри.

ЖАНГОВАР ҲАРАКАТ ПРОГРАММАСИ

Бутун совет халқи қатори республикамиз меҳнаткашлари ҳам ўнинчи беш йиллик ва унинг якунловчи йили план ва мажбуриятларини барча кўрсаткичлар бўйича тўла ва ошириб бажариш учун астойдил интилиб, умумхалқ социалистик мусобақаси байроғини тобора баланд кўтармоқдалар. Уларнинг фикру зикри социалистик экономика ва маданиятимизнинг ҳамма соҳаларини коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичи талаблари асосида юксалтириб, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XX съездини катта меҳнат зафарлари билан кутиб олишга қаратилган.

Юксак меҳнат активлиги қизғин тус олган қувончли кунларда республикамиз меҳнаткашларининг улкан зафарга эришгани ҳақида бутун мамлакатга хушхабар тарқалди. Улуғ Октябрь байрами арафасида олтин қўлли деҳқонларимизнинг илҳомбахш меҳнати улкан ғалаба билан якунлангани, давлатга 6 миллион тоннадан ортиқ пахта армуғон этилганлиги муносабати билан партия ва давлатимиз раҳбари азиз Леонид Ильич Брежневнинг табаррук табрикномаси олинди.

Меҳнат аҳли қаҳрамонона ишларига чуқур ҳурмат туйғулари билан йўғрилган бу табрикнома республика меҳнаткашларининг Ватан бахт-саодати йўлидаги ғайрат-шижоати ва интернационал бурчига садоқати учун Ленин партияси берган юксак баҳо ва оталарча ташаккурдир. Айни пайтда бу ҳужжат пахтачиликни, қишлоқ хўжалигининг бошқа барча тармоқларини янада ривожлантиришнинг ойдин йўли белгилаб берилган жанговар ҳаракат программасидир.

Республикамиз меҳнаткашлари табрикномадаги чуқур маънога тўла самимий сўзларни дилларига жо қилиб, янги шонли ишларга дадил бел боғладилар. Ленин партиясининг улуғвор режаларини амалга ошириш учун курашда беқиёс куч ва ғайратга тўлиб тошдилар.

Умумхалқ меҳнат кўтаринкилиги республикамиз узра ҳукм сураётган қутлуғ кунларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVIII пленуми бўлиб ўтди. Пленум КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг «КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумининг якунлари ҳамда республика партия ташкилотининг КПСС Марказий Комитети Пленуми қарорларидан ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқида берган кўрсатмаларидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисидаги докладини тинглаб ва муҳокама қилиб, шуни чуқур ишонч билан таъкидладики, партиянинг халқ турмуш даражасини юксалтиришдан иборат ленинча йўлини бундан буён ҳам сабот билан амалга ошириш республикадаги барча партия, совет ва хўжалик органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, ҳар бир меҳнат коллективининг муқаддас бурчидир.

Дарҳақиқат, КПСС Марказий Комитети октябрь Пленумининг илҳомбахш қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг программ нутқида баён этилган қонда ва ҳулосалар бутун фаолиятимизнинг ҳаракат программасини белгилаб берувчи йўлчи юлдуздир. Пленум қарорларида ўнинчи беш йилликнинг якунлари ва ўн биринчи беш йиллик биринчи йилининг режалари чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этилди. Келгуси йилнинг ва умуман янги беш йилликнинг улуғвор вазифалари қўйилиб, уларни ҳал этиш воситалари ленинча доноллик билан кўрсатиб берилди, иқтисодий ва социал қурилишда янги муваффақиятлар сари ҳаракат қилишнинг истиқболлари кўрсатилди.

Партиямиз совет халқининг турмуш даражасини оширишни иқтисодий соҳадаги ўз амалий ишининг маркази қилиб қўйди. Буни республикамиз мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессиясида ёв вазифалар аниқ ва конкрет белгилаб берилди. Шунга кўра, ялпи ижтимоий маҳсулот бир йил ичида 4,2 процент кўпайтирилиб, 35 миллиард сўмга етказилди. Миллий даромад эса 4,5 процент ёки 16,6 миллиард сўм кўпайтирилади. Молиявий таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига шу йилдагига нисбатан 8 процент кўп капитал маблағ ажратилиб, унинг миқдори 5,6 миллиард сўмга етказилди. Бу эса халқ хўжалигининг барча тармоқларини мутаносиб ривожлантириш, фан-техника тараққиётини янада жадаллаштириш имконини беради.

Саноат ишдам ривожлантирилиб, экономикамизнинг структурасида унинг ҳиссаси анча оширилади. Истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш суръатларининг тезлаштирилиши экономикани комплекс ривожлантириш характерини акс эттиради ва аҳоли фаровонлигини оширишдан иборат энг муҳим вазифани ҳал этишни кўзда тутади.

Халқ хўжалигида катта муваффақиятларга эришилди. Айни пайтда кўпгина қийинчиликлари ҳам бартараф этишга тўғри келди ва тўғри келмоқда. Ўртоқ Л. И. Брежнев Пленумда таъкидлаганидек, бошқариш ва планлаштириш механизмини, хўжалик юритиш методлари ва ижрочилик интизомини ҳозирги замон талаблари даражасига ҳали кўтара олганимизча йўқ. Бу эса самарадорлик сари кескин бурилиш ясашни, халқ хўжалигини интенсив ривожлантириш йўлига кўчиришни бирмунча қийинлаштирди. Натижада баъзи жойларда ишлаб чиқариладиган маҳсулот турлари кўпайтирилмаяпти, маҳсулот сифатини яхшилаш учун мавжуд имкониятлардан етарли фойдаланилмаяпти. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш соҳасида ҳам ишга солинмаётган резервлар оз эмас. Шунингдек, баъзи хўжаликлар деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш планларини тўлиқ бажармаяпти. Ишга туширилган айрим чорвачилик комплекслари ва паррандачилик фабрикаларининг қуватларидан тўла фойдаланилмаётир. Ғўза касалликларига қарши кураш ва пахта ҳосилдорлигини оширишнинг муҳим воситаси бўлган пахта—беда алмашлаб экишни тез жорий қилишнинг аҳамияти ҳамма жойда ҳам яхши тушуниб олинган деб бўлмайди.

Капитал қурилиш самарадорлигини ошириш — энг муҳим вазифалардан биридир. Афсўски, баъзи корхоналарда бу соҳадаги топшириқларнинг тўла-тўкис бажарилишига етарли эътибор берилмаётир. Натижада Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё областларида асосий фондларни ишга туширишда қолоқликка йўл қўйилмоқда. Транспорт, алоқа, савдо ва маиший хизмат соҳасида ҳам нуқсонлар, фойдаланилмаётган резервлар бор.

Кишиларнинг фаровонлигини ошириш билан боғлиқ бўлган масалалар орасида озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилаш, тармоқ озиқ-овқат программасини ишлаб чиқиш биринчи ўринда турибди, деб таъкидланди Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумида. Бунинг учун қишлоқ хўжалигини ва унга хизмат қилувчи саноат тармоқларини, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш, асраш, ташиш ва қайта ишлашни ривожлантириш масалалари билан озиқ-овқат индустрияси ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари савдосини ривожлантириш масалаларини бирлаштириш зарур.

Биз эришилган натижаларни муносиб якунлаган ҳолда бутун диққат-эътиборни ҳал этилмаган вазифаларга, экономикани янада ривожлантириш учун янги резервлар қидиришга қаратишимиз лозим. Шу жиҳатдан В. И. Ленин ибораси билан айтганда, гоят улкан иш қилиниши, шу дамгача бўлганидан бир неча марта кўп меҳнат сарфланиши лозим. Саноат, капитал қурилиш, фан ва маданиятни янада ривож топтиришимиз, экинлар ҳосилдорлигини ошириб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришимиз зарур.

Пахтачилигимиз тарихида бу йил эришилган рекорд марра — 6 миллион 150 минг тоннадан зиёд залворли хирмон янги беш йилликда иш нормаси бўлиб қолиши учун барча зарур тадбирларни кўриш лозим. Бунинг учун келгуси йил ҳосилига шу кунларда пухта замин яратишимиз керак. Кузги-қишки тадбирларни ўтказиш — ер ҳайдаш, пайкалларни текислаш, маҳаллий ўғит тўплаб ерга солиш, ернинг шўрини ўз вақтида ювиб, коллектор-зовурларни ва канал-ариқларни тозалаб қўйиш скра кечиктириб бўлмайдиган юмушларимиздандир.

Келгуси йилда дон, озуқа экинларидан мўл-кўл ҳосил етиштириш чораларини кўришимиз лозим. Мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари янада мўл-кўл бўлиши ўзимизга, тадбиркорлигимизга боғлиқдир. Картошка етиштиришни кўпайтириш программаси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг шу масала хусусида қабул қилган қарорида аниқ равшан белгилаб берилди. Шунга кўра, республика колхозлари ва давлат хўжаликларида келгуси беш йилликнинг охирига бориб картошка етиштириш ҳажми 522 минг тоннага етказилди.

Уй-жой қурилиши жуда катта социал-иқтисодий масаладир. Бу қурилишнинг ҳозирги кўламлари келгуси беш йилликда ҳам сақлаб қолинади. Айни пайтда қурилиш сифати янада яхшиланади. Келгуси йилда барча манбалар билан таъминлаш ҳисобига республикамизда қариб 6 миллион квадрат метр уй-жой қурилади. Бу эса салкам 110 минг оиланинг уй-жой шароитини яхшилаш имконини беради.

Экономика ва маданиятнинг бошқа барча соҳаларида ҳам ана шундай юксалишга эришилади.

«Олдимизда катта ишлар турибди, — деди ўртоқ Л. И. Брежнев. — Саксонинчи йилларда экономикани интенсив ривожланиш йўлига ўтказиш ниҳоясига етказилиши, меҳнат унумдорлиги ва сифати кескин оширилиши лозим. Хўжалик иши даражасини ошириш, кадрларни ишчанлик, масъулиятни ҳис этиш ва ташаббускорлик руҳида тарбиялаш ишлаб чиқаришдаги муваффақиятларнинг асосий шарти бўлиб қолмоқда». Шундай экан, омманинг меҳнат ғайрат-шижоатини кучайтириш, умумхалқ социалистик мусобақасини янада авж олдириш партия ташкилотларининг жанговар вазифасидир.

Мамлакатимиз, серқуёш диёримиз улуғ Ленин партияси раҳбарлигида буюк муъжизалар асри бўлган йигирманчи асрнинг тўққизинчи ўн йиллигига қадам қўймоқда. Совет ҳокимиятининг барча йилларида бўлгани каби саксонинчи йиллар ҳам камолот йиллари, буюк бунёдкорлик йиллари бўлиши шубҳасиздир. Кенг меҳнаткашлар оммасининг жўшқин шижоати, партия ташкилотларининг букилмас иродаси бунинг мустаҳкам гарозидир.

СОВЕТ—ФИНЛЯНДИЯ МУЗОКАРАЛАРИ

Музокаралар пайти. М. Харлампиев фотоси.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико ва КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов билан Финляндия Республикаси Президенти Урхо Кекконен ўртасида 12 ноябрь куни Кремлда музокаралар бўлиб ўтди.

Совет Иттифоқи билан Финляндия ўртасидаги муносабатларга доир масалалар дўстона ва ҳамжиҳатлик вазиятида қараб чиқилди. Бу муносабатлар муваффақиятли ривожланаётганлиги ва дўстлик, ҳамкорлик ҳамда ўзаро ёрдам тўғрисида 1948 йилда тузилган Шартномага тамомила мувофиқ равишда юксак даражага эришганлиги қайд қилинди.

Музокаралар Совет Иттифоқи билан Финляндия ўртасида турли соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг принципиал йўналишлари муҳокама қилинди.

Л. И. Брежнев билан У. Кекконен Совет Иттифоқи ва Финляндия ўзаро манфаатли асосда ва бир-бирларининг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга катта аҳамият бераётганликлари таъкидлаб ўтилди. Улар савдо-иқтисодий алоқаларда Совет Иттифоқи территориясида, шунингдек Финляндия территориясида саноат ва энергетика объектларини биргаликда қуриш ишларини янада кучайтириш муҳим роль ўйнайди, деб уқтириб ўтдилар.

Муҳим халқаро проблемалар кўриб чиқилган пайтда асосий диққат-эътибор тинчликни ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш, қуролланиш пойгасини жиловлаш ва қуролсизланиш, кескинликнинг мавжуд ўчоқларини тугатиш, кескинликни юмшатиш жараёнини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш масалаларига қаратилди. Кескинликни юмшатишни қатъий туриб ҳимоя қилишга, бу жараённинг узлуксиз ва ҳар тарафлама бўлишига эришишга халқлар бераётган ҳамма нарсаларни давлатлараро муносабатлардан чиқариб ташлаш учун тегишли чоралар кўришга ҳар икки томоннинг интилиши таъкидлаб ўтилди.

Умумевропа кенгашида қатнашган давлатлар вакилларининг Мадридда бошланган учрашуви, унинг ижобий руҳда ўтиши ва яхши натижалар билан тамомланиши зарурлиги масаласида ҳар иккала томон бир хил позицияда турганлиги таъкидлаб ўтилди.

Л. И. Брежнев Совет Иттифоқида Финляндиянинг тинчликсевар ташқи сиёсатини, унинг Европа қитъасида кескинликни юмшатиш жараёнига қўшаётган ҳиссасига юксак баҳо берилаётганлигини уқтириб ўтди.

Президент У. Кекконен Совет Иттифоқининг кескинликни юмшатиш жараёнини мустаҳкамлаш, қуролланиш пойгасини чеклаш ва қуролсизланиш юзасидан реал чоралар кўриш йўлида сарфлаётган куч-ғайрати учун самимий миннатдорчилик билдирди.

Шимолий Европада ва Болтиқ денгизи ҳавзасида ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилиш вақтида У. Кекконеннинг Европа шимолини ядросиз зона деб эълон қилиш тўғрисидаги таклифи муҳим эканлиги уқтириб ўтилди.

Томонлар ҳар иккала томонни қизиқтирувчи бошқа масалалар тўғрисида фикрлашиб олдилар.

Л. И. Брежнев билан У. Кекконен бўлиб ўтган музокаралардан гоят мамнун эканликларини билдирдилар. (ТАСС).

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

СССР Олий Совети Президиуми билан СССР ҳукумати 12 ноябрь куни Катта Кремль саройида Финляндия Республикасининг Президенти Урхо Кекконен шарафига зиёфат бердилар.

У. Кекконеннинг сафарида ҳамроҳ бўлган давлат ва сиёсий арбоблар, Финляндия савдо-саноат доираларининг намояндалари у билан бирга бўлдилар.

Совет томонидан зиёфатда Л. И. Брежнев, А. А. Громико, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Раисларининг ўринбосарлари, СССР министрлари, СССР Давлат комитетларининг раислари, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежнев зиёфатда нутқ сўзлади.

Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Муҳтарам Президент жаноблари!

Муҳтарам финляндиялик меҳмонлар!

Ўртоқлар!

Қадимий дўстимиз Президент Кекконенни ва унга ҳамроҳ бўлиб келган Финляндия давлат ҳамда сиёсий арбобларини, савдо-саноат доираларининг намояндаларини яна Москвада қувонч билан самимий табриклаймиз.

Аминманки, ўтмишда бўлгани каби олий даражадаги бу учрашув ҳам Совет — Финляндия дўстлик алоқаларини янада кенгайтиришга хизмат қилади. Жумладан, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, саноат ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда чуқурлаштиришнинг узоқ муддатли программасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга ҳаракат қилинади, шунингдек, Костомукшдаги кон-саралаш комбинатини кенгайтиришда ҳамкорлик қилиш тўғрисида биз имзоладиган протокол бунинг яққол ифодасидир.

Мамлакатларимиз бебаҳо капиталга эгадирлар, бу капиталик биз урушдан кейинги йилларда биргаликда оортирдик. Бу ҳам бўлса, кўп соҳалардаги фаол яхши кўпничилик ҳамкорлигидир. Бу — халқларимизнинг ўзаро ишончли яхши муносабатидир. Ниҳоят, бу — иккала давлат раҳбарларининг бир-бирига ҳурмати ва ишончидир.

Мана шуларнинг ҳаммаси — дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида 1948 йилда тузилган Шартнома изчиллик билан амалга оширилишининг натижасидир. Бу шартнома мамлакатларимиз манфаатларига яхши хизмат қилмоқда, уларнинг муносабатини халқаро вазиятнинг ўзгаришларидан пухта асрамоқда ва Европада тинчлик ишига самарали кўмаклашмоқда.

Муҳтарам Президент жаноблари, бизнинг сиз билан шахсий мулоқотларимиз бошланганига йигирма йилча бўлди. Шу йиллар мобайнида ўртамизда ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик бобида ўртоқларча яхши муносабатлар вужудга келганидан хурсандман.

Президент жаноблари, сизнинг мамлакатингиз тинчликсевар ташқи сиёсатини белгилаб беришга, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини оширишга қўшиб келаётган ҳиссангизга Совет Иттифоқида зўр ҳурмат билан каралмоқда. Сизнинг Совет — Финляндия яхши қўшничилиги манфаатлари йўлида қилган ишингизни совет кишилари яхши биладилар ва кадрлайдилар.

Сизнинг бу соҳада сабот билан қилаётган меҳнатингиз Финляндия халқининг кенг мададига таянишини ҳам биламиз.

Биз ҳам яхши қўшнимиз бўлган Финляндия билан дўстликни мустаҳкамлаш, халқларнинг хавфсизлиги ва тинч келажаги йўлида баҳамжиҳат ҳаракат қилиш учун ҳамма ишни қилиб келдик ва бундан буён ҳам қиламиз.

Ер юзининг турли районларида кетма-кет хатарли можаролар манбалари вужудга келиб турган, муайян доиралар қуролланиш пойгасига қамчи босаётган нотинч даврда яшаб турибмиз. Мана шундай вазиятда тинчлик негизларини мустаҳкамлашга қаратилган ҳаракатларда фаол қатнашиш — масъулиятли давлат арбобларининг, барча тинчликсевар кучларнинг энг муҳим бурчидир.

(Давоми иккинчи бетда).

СОВЕТ—ФИНЛЯНДИЯ ҲУЖЖАТЛАРИ ИМЗОЛАНДИ

12 ноябрда Катта Кремль саройида Совет — Финляндия ҳужжатларини имзолаш маросими бўлди.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Финляндия Республикаси ўртасида 1990 йилгача бўлган муддатда савдо-иқтисодий, саноат ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг узоқ муддатли программасига илова қилинган протоколни қуйидагилар имзоладилар:

СССР номидан — КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев;

Финляндия Республикаси номидан — Финляндия Республикаси Президенти У. Кекконен.

Костомукш кон-саралаш комбинатини янада кенгайтиришга оид ҳамкорлик тўғрисидаги протоколни:

СССР номидан — КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев;

Финляндия Республикаси номидан — Финляндия Республикаси Президенти У. Кекконен имзоладилар.

Ҳужжатларни имзолаш чоғида:

Совет томонидан — А. А. Громико, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Раисларининг ўринбосарлари, СССР министрлари, СССР Давлат комитетларининг раислари, бошқа расмий кишилар;

Финляндия томонидан — ташқи ишлар министри П. Вяюрюнен, ташқи савдо министри Э. Рекола, Финляндиянинг сафар чоғида У. Кекконенга ҳамроҳ бўлиб келган давлат ва сиёсий арбоблари, савдо-саноат доираларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

Ҳужжатларни имзолаш пайти. М. Харлампиев фотоси.

БЕШ ЙИЛЛИК БАЖАРИЛДИ

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига қарашли республика «Ўзспецводдренаж» трести ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Трест коллективи КПССнинг XXV съезди тарихий қарорларини, партия Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленуми ҳамда КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида»ги қарорларини ҳаётга татбиқ эта бориб, ўнинчи беш йиллик топшириқларини барча техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича муддатидан илгарм ортиқ билан бажардилар. Жумладан, қурилиш-монтаж ишлари плани 103,3 процент ўринлатилди. Меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириғи пландагидан 36,5 процент кўп бўлди. Беш йилликнинг ўтган даври мобайнида 2670 та қудуқ қазилди. 95,8 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Ушбу ютуқда трест бўлинмаларида Николай Злобининг бригада пудрати усули кенг қўлланилаётганлиги муҳим омил бўлди.

Трест коллективи эришилган ютуқларни мустаҳкамлашга қатъий қарор берган. У. имкониятларини қайта ҳисоблаб чиқиб, зиммасига қўшимча оширилган социалистик мажбурият олди. Шунга кўра 1980 йил қурилиш-монтаж ишлари ҳажми плани 10 декабрда бажарилади. Планга қўшимча равишда 1 миллион 200 минг сўмлик иш адо этилади.

Турсуной сўзи устидан чиқди

Чиноз районидаги Киров номли колхозлан икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати Т. Охунова бошлиқ бригада КПСС XXVI съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб, катта муваффақиятга эришди. «Оқ олтин» тайёрлаш юзасидан оширилган социалистик мажбурият бажарилди. Пахта майдонининг ҳар гектаридан олинган ҳосил 62,3 центнерга етказилди. Бу эса дастлабки мажбуриятда кўзда тутилганидан 2,3 центнер кўпдир.

Турсуной Охунова мавсум давомида тўрт қаторли машина билан 450 тонна пахта териш юзасидан шахсий мажбуриятини ҳам шараф билан бажарди.

(ЎзТАГ мухбири).

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

(Боши биринчи бетда).

Совет Иттифоқи билан Финляндия тинчлик ва ҳамкорлик сиёсатининг ҳам моддий, ҳам маънавий самараларидан фойдаланишни биринчилар қатори ўрганиб олдилар. Шу билан бирга мамлакатларимиз кескинликни юмшатишни давом эттиришга ва халқаро муносабатларда тинч-тотув яшаш принципларини оммалаштиришга кўмаклашиш учун анчагина иш қилдилар.

Хельсинкидаги Умумевропа кенгашида қабул қилинган давлатлараро алоқалар принципларининг мажмуаси кўп жиҳатдан Совет — Финляндия яхши қўшничилигининг баракали тажрибасини ҳам ўзига сингдириб олди.

Энди Хельсинкида эришилган аҳдномаларни изчиллик билан рўёбга чиқариш жуда муҳим. Европа ниҳоят тинчлик ва осойишталик таъминланган шароитда яшаш имкониятини олиши керак.

Ҳозир Мадридда Умумевропа кенгашида қатнашган давлатлар вакилларининг навбатдаги учрашуви ўз ишини бошламоқда.

Айрим кимсалар бу учрашувни амалий кенгашга эмас, балки тўбан феъл-атворларни тарғиб қилиш учун, сафсатабозлик нутқлари сўзлаш учун бир йиғинга айлантириш истагида эканликларидан кўз юма олмаймиз. Аммо биз мана шундай уринишларга қарши кескин курашамиз, кескинликни юмшатиш, халқларнинг хавфсизлиги ва тинч келажаги манфаатларига хизмат қила оладиган аҳдномаларга эришиш йўлини қатъият билан ўтказаверамиз.

Агар Мадрид учрашувида амалий ёндашиш устун бўлиб чиқса, жумладан, Европада қарбий кескинликни юмшатишга ва қуролсизланишга бағишланган конференция чақириш йўлини очадиган муҳим қарорларни моҳият эътибори билан муҳокама қилиб, қабул этишга муваффақ бўлинади, деб умид қилиш мумкин.

Халқлар мана шундай қарорлар қабул қилинишидан умидвордирлар, бинобарин биз уларнинг умидларини пучга чиқармаслигимиз керак.

Европанинг шимолига келганда, Президент жаноблари, биз Сизнинг бу район осойишта ва барқарор бўлиб қолиши тўғрисидаги фикрингизга қўшиламиз. Ўйлайманки, биз Европа шимолининг хавфсизлиги бу ерда қарбий блокларнинг активлашуви йўли билан эмас, балки бу районни можаролардан ҳоли қолдирадиган қарорларга бирликда эришиш орқали таъминланиши мумкинлиги хусусида бир фикрдамиз.

Шу сабабли Совет Иттифоқидагилар Европа шимолида ядросиз зона вужудга келтириш хусусида Финляндиянинг ташаббусини яхши тушунадилар.

Сўзимнинг охирида, Президент жаноблари, «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Ленин мукофоти берилиши билан яна бир бор Сизни чин кўнгилдан табриклашга ижозат бергайсиз. Эртага топшириладиган бу мукофот Сизга шу олижаноб иш йўлидаги курашга қўшиб келаётган жуда катта ҳиссангизни ифодалайди.

Азиз дўстлар, ўртоқлар!

Атоқли давлат арбоби, Финляндия Республикасининг Президенти Урхо Калева Кекконеннинг сиҳатсаломатлиги ва муваффақиятлари учун!

Меҳмонларимизнинг сиҳатсаломатлиги ва муваффақиятлари учун!

Совет Иттифоқи билан Финляндия ўртасидаги дўстлик, ишонч ва ҳамкорлик мамлакатларимиз халқлари ва халқаро тинчлик манфаатлари йўлида янада мустаҳкамланаверсин!

* * *

У. Кекконен жавоб нутқи сўзлади.

У. КЕККОНЕН нутқи

Олий Совет Президиумининг Раиси жаноблари!

Хонимлар ва жаноблар!

Мен Совет Иттифоқига бундан аввал қилган расмий визитимдан кейин орадан уч йилдан кўпроқ вақт ўтди. Ўшанда худди шу залда берилган зиёфатда сўзлаган нутқимда мен 70-йилларда давлатлараро муносабатларни, халқларнинг эзгу орзу-истаклари рўёбга чиқариш жуда муҳим. Европа ниҳоят тинчлик ва осойишталик таъминланган шароитда яшаш имкониятини олиши керак.

Ҳозир Мадридда Умумевропа кенгашида қатнашган давлатлар вакилларининг навбатдаги учрашуви ўз ишини бошламоқда.

Айрим кимсалар бу учрашувни амалий кенгашга эмас, балки тубан феъл-атворларни тарғиб қилиш учун, сафсатабозлик нутқлари сўзлаш учун бир йиғинга айлантириш истагида эканликларидан кўз юма олмаймиз. Аммо биз мана шундай уринишларга қарши кескин курашамиз, кескинликни юмшатиш, халқларнинг хавфсизлиги ва тинч келажаги манфаатларига хизмат қила оладиган аҳдномаларга эришиш йўлини қатъият билан ўтказаверамиз.

Агар Мадрид учрашувида амалий ёндашиш устун бўлиб чиқса, жумладан, Европада қарбий кескинликни юмшатишга ва қуролсизланишга бағишланган конференция чақириш йўлини очадиган муҳим қарорларни моҳият эътибори билан муҳокама қилиб, қабул этишга етакчи давлат арбоблари ва шулар орасида биринчи қаторда Сиз, Олий Совет Президиумининг Раиси жаноблари, ҳозирги замоннинг ғоят муҳим масалалари юзасидан музокаралар бошлашга тайёр эканлигингизни изҳор қилдингиз. Айни вақтда Европада қуролсизланишга нисбатан ижодий ёндашиш ва ташаббускорлик намоён бўлмоқда. Европа халқлари Европада ядро қуролларини чеклашга доир Совет — Америка музокаралари бошланганлиги тўғрисидаги хабарни енгил тортиб умид билан кутиб олдилар.

Биз энг кўп вайроналик келтирадиган қурол-яроғларга тааллуқли айни энг мураккаб проблемаларни ҳал этиш йўлида иш олиб боришимиз керак бўлур эди. Янги турдаги ядро қуроли ишлаб чиқишнинг, ядро қуролини янги мамлакатларга беришнинг, шунингдек бу қуролнинг дунёдаги янги районларда жойлаштирилишининг олдини олиш лозим бўлур эди. Ядро қуролига эга бўлишдан воз кечган мамлакатлар ана шу қурол уларга қарши қўлланилмаслиги, уларга ана шу қурол билан таҳдид қилинмаслиги ва уларнинг территорияси ёки осмон чегараси бузилмаслиги гарантиясини олишлари тўғрисидаги талаб ҳам табиийдир.

Айни Европадаги қуроляроғлар билан боғлиқ проблема ниҳоятда кўп қиррали проблемадир. Нозик сиёсий фикр-мулоҳазалар ҳам, шунингдек мураккаб ҳарбий-техникавий масалалар ҳам ана шу проблемаларга боғлиқдир. Бироқ дадилик кўрсатиб, ана шу проблемани ҳам ҳал этишга киришиш керак. Айни шу боисдан Финляндия ҳукумати Европадаги хавфсизлик учун масъул бўлган мамлакатлар қитъамизга тааллуқли қуролсизланиш масалаларини комплекс асосда баҳамжиҳат муҳокама қила бошлашлари тўғрисида таклиф киритди.

Биз шуни қувонч билан қайд этдикки, мамлакатимизнинг ижобий бетарафлик сиёсати асосида юзага келган ташаббусимиз тўғри тушунилиб, унга кўп томондан принципиал мадад берилди ва рағбатлантиридик. Биз Мадриддаги учрашув Финляндия илгари сурган ташаббус асосида ҳам, шунингдек бошқа тегишли таклифлар асосида ҳам Европада қуролланишнинг жиловланишига ёрдам берувчи конкрет натижаларга олиб келишини истардик.

Бугунги кунда жаҳон стратегияси соҳасида дунёдаги стратегик мусобака ва у ҳосил қилган ҳолат — қарбий технология тобора такомиллаштирилаётганлигини ва таъсири Европа шимолида ҳам сезила бошланмоқда. Биз, финлар ана шу ривожланишни ташвиш билан кузатиб турибмиз. Мен бир неча марта қайд этиб ўтганимдек, Финляндиянинг хавфсизлиги Шимолий Европадаги мавжуд умумий вазият билан чамбарчас боғлиқ. Бутун Европа шимолидаги районда тинч шароитлар сакланиши нақадар ишончли таъминланган бўлса, Финляндиянинг ўз аҳволи ҳам шу кадар мустаҳкам бўлади.

Бинобарин, мазкур районда кескинликнинг кучайиши иккинчи жаҳон урушидан кейин биз эришган ютуқларнинг кўпчилигини хавф остида қолдирган бўлур эди.

Шу вақтга қадар шимолдаги ҳар бир мамлакат хавфсизлик сиёсати соҳасидаги ўз қарорларида шимолдаги бошқа мамлакатларни ва улар қабул қиладиган қарорларни эътиборга олишга одатланиб қолган. Бундан бўён ҳам шундай давом этади, деб умид қиламан. Европа шимолида қарор топган стабил ҳолатни бузиш ҳеч кимнинг манфаатларига мос келиши мумкин эмас ва қитъанинг шимолий қисмидаги кескинликни қасдан кучайтириш эса сира ҳам мос келмайди. Ҳозир энг муҳим вазифа — вазминликдир.

Олий Совет Президиумининг Раиси жаноблари!

Мамлакатингизга қилган аввалги расмий визитимдан кейин ўтган ўша уч йил мобайнида Финляндия билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар ўзаро алоқаларнинг анъанавий формалари соҳасида ҳам, шунингдек мутлақо янги соҳаларда ҳам янада қулай ривож топди. Айни вақтда халқаро вазият ташвиш туғдирадиган даражада кескинлашганлигига қарамай, ана шундай ижобий ривожланиш содир бўлганлигини эътиборга олганда бундай ривожланиш Финляндия билан Совет Иттифоқи ўртасида замон синовидан ўтган муносабатлар системаси иккала мамлакатнинг икки томонлама муносабатлари нуқтаи назаридангина эмас, шу билан бирга умуман Европада ривожланиш нуқтаи назаридан ҳам қандай аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди. Шу жиҳатдан мен Совет Иттифоқида ана шу муносабатларнинг ривожига худди шундай баҳо берилаётганлигини қувонч билан пайқадим. Раис жаноблари, яқинда Финляндияда босилиб чиққан нуқталарингиз тўпламига ёзилган сўзбошида сиз совет кишилари «мамлакатларимиз бошқаларга яхши ўрнак кўрсатиб, турли социал системаларга мансуб давлатларнинг тенг ҳуқуқли ҳамкорлиги самарали эканлигини яққол намойиш этиб, яхши қўшиларча қандай соз тинч-тотув яшаётганлиги»дан мамнун эканликларини таъкидлагансиз.

Мамлакатларимиз ўртасида 1948 йилда тузилган дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Шартнома ана шу муносабатлар системасини яратиш учун шарт-шароитларни вужудга келтирганлигини биз ҳаммамиз биламиз. Ана шу Шартнома асосида биз бунёд эта олдик ва эта оламиз. 1948 йилги Шартнома билан муносабатларимизнинг зарур давомийлиги ва барқарорлиги таъминланган. Бунинг аҳамияти ҳозир ҳар қачонгидан кўра яхшироқ тушунилаётган бўлса ажаб эмас.

Муттасил ривожланиб бораётган иқтисодий алоқалар мамлакатларимиз ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларининг муҳим жиҳатидир. Шу соҳадаги ўзини оқлаган асосий қарорларни истиқбол ва план асосида давом эттириш ҳамда ривожлантириш ана шу муносабатлар мураккаблиги ва ўзаро манфаатлилигининг гарови бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Бу эса иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришнинг мамлакатларимиз ўртасида имзоланган узоқ муддатли программасида ўзининг конкрет ифодасини топди. Шу вақтга қадар мазкур программа ўзига белгиланган ишончни оқлаб келди. Программа 1981—1985 йилларда товар оборот ва тўловлар тўғрисида бир йил муқаддам имзоланган битим учун яхши негиз яратди. Бу программа бирлиядаги лойиҳаларни амалга ошириш ва ишлаб чиқариш кооперацияси соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш учун қўлланма бўлиб ҳам хизмат қилади.

Узоқ муддатли программада ҳам қайд этиб ўтилганидек, шу нарса айниқса қимматлики, Финляндия импорт қилинадиган энергида бўлган эҳтиёжларининг катта қисмини Совет Иттифоқидан етказиб бериладиган энергия ҳисобига қондира олади. Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-сотиқда импорт ва экспортнинг бир-бирига боғлиқ эканлигини эътиборга олганда биз шуни айта оламизки, Финляндиянинг Совет Иттифоқига экспортини ривожлантириш истиқболлари нуқтаи назаридан қараганда энергия етказиб бериш шу билан бирга жуда муҳим позицияни эгаллаган. Узоқ муддатли программани аниқлаш ва узайтириш тўғрисида бугун биз имзолаган протоколда Совет Иттифоқи 1986—1990 йилларда ҳам Финляндияга энергия етказиб бериш анъанасини давом эттираверишга тайёр эканлиги изҳор қилинади. Бу эса савдо-сотиқнинг бу галги, саккизинчи беш йиллиги даврида ҳам товар айирбошлашни ривожлантириш ҳамда узоқ муддатли программани амалга ошириш учун яхши шарт-шароит вужудга келтиради.

Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми айниқса кейинги икки йил ичида тез суръатлар билан ўсиб борди. Бурноғи йил товар оборотининг қиймат ҳажми икки миллиард сўмликдан ошиб кетди. Ўтган йили у икки ярим миллиард сўмгача, бу йил эса ҳозирдаёқ уч ярим миллиард сўмгача кўпайди. Савдо ҳажмининг ўсишига бир томондан, халқаро бозорда нефть маҳсулотлари нархи кескин ошганлиги сабаб бўлди, бу эса, табиийки, ўзаро савдо-сотиқ ҳажми ва балансига ҳам таъсир ўтказди. Шу муносабат билан таъкидлаб ўтиш керакки, биз ўз савдо-сотиғимизда анъанавий равишда қўлланаётган практика, шунингдек унинг узвий қисми, ўзаро ҳисоб-китоблар системаси ташқи конъюнктура ўзгаришлари савдо-сотиғимизни ривожлантиришга халақит беролмаслигининг гарантиясидир.

Совет Иттифоқига келишга таклиф қилганликлари, шунингдек бу ерда бизга кўрсатилган ажойиб меҳмондўстлик учун СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советига миннатдорчилик изҳор қиламан. СССР Олий Совети Президиуми Раиси жаноблари, ушбу визитда шахсан ўзингиз иштирок этишни истаб, шу билан унинг аҳамиятини таъкидлаганингиз учун мен, айниқса, сизга миннатдорчилик билдирмоқчиман. Бизни қизиқтираётган кўпгина асосий масалалар юзасидан сиз ва ишдаги ўртоқларингиз билан фикрлашиб олиш учун яна имконият берилганлиги муносабати билан мен ғоят мамнун бўлмоқдаман. Давлатларимиз масъул арбобларининг бундай учрашувлари ва ана шу учрашувлар вақтида ўтказиладиган самимий, ошкора суҳбатлар, биз бир неча марта қайд этиб ўтганимиздек, ҳамиша ниҳоятда фойдали бўлиб, Финляндия билан Совет Иттифоқи ўртасидаги ишончли муносабатларни тобора чуқурлаштиришга кўмаклашиб келмоқда.

Раис жаноблари!

Яқинда бир адабий иш муносабати билан Финляндия ва Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларнинг тафсилотларини яна кўриб чиқишимга тўғри келди. Ана шу тафсилотлар устида фикр юритар эканман, мен Финляндия нуқтаи назаридан шундай ижобий хулосага келдимки, совет халқи билан Совет Иттифоқи раҳбарлари ўртасида Финляндиянинг алоҳида сиёсий мавқеи ва унинг қарор топган ташқи сиёсий йўли тўғрисида шундай мустаҳкам тасаввур ўрнашиб қолган бўлиб, бу тасаввур халқаро вазиятнинг ривожидан қатъи назар ҳар қандай шароитларда сақланиб қолади. Бугун биз шу ерда Кремлда ўтказган суҳбатлар мен чиқарган хулоса тўғри эканлигини кўрсатди, деб ўйлайман.

Олий Совет Президиумининг Раиси жаноблари!

Финляндия—Совет дўстона, яхши қўшничилик муносабатлари ва мамлакатларимиз ўртасидаги муттасил ривожланиб бораётган ҳамкорлик белгиси остида Совет Иттифоқи раҳбарларининг ва даставвал, Раис жаноблари, сизнинг сиҳат-саломатлигингиз учун, Совет Иттифоқи халқларининг бахт-саодати ва муваффақиятлари учун, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ўзаро ишонч учун қадаҳ кўтаришимга ижозат бергайсиз.

* * *

Л. И. Брежнев ва У. Кекконеннинг зўр эътибор бериб тингланган нутқлари давомли қарсаклар билан кутиб олинди.

Зиёфат дўстона вазиятда ўтди.

(ТАСС).

ТАРАДДУД

Хатирчи районидаги Карл Маркс номли колхоз пахтакорлари йиғиннинг бош йиллигининг сўнгги йилини катта меҳнат муваффақиятлари билан якунламоқдалар. Ҳўжалик 934 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 47 центнердан «оқ олтин» йиғиб-теріб олди. Мавсумда пахта териш машиналаридан самарали фойдаланилди.

Шу кеча-кундузда колхоз пахтакорларни келгуси йил мўл хосили учун курашни бошлаб юборишди. 14 та ҳайдов тракторининг ҳаммаси шудгорлаш ишларига жалб этилди. Ҳосилдан бўшаган майдонлар тупроқ картограммасига мувофиқ зарур маҳаллий ва минерал ўғитлар берилиб, чуқур ҳайдалмоқда.

Суратларда: тракторчи Абдулла Ҳожиев, колхоз раиси Отақўзи Хушвақтов ва агроном Исмоил Раҳматовлар шудгорнинг сифатини кўздан кечиришмоқда ҳамда ерни шудгорлаш пайти.

Ж. Тўраев фотолари.

ПРОПАГАНДИСТЛАР СЛЁТИ

ҚАРШИ (**«Совет Ўзбекистони» мухбири**). Яқинда Қашқадарё область пропагандистларнинг слёти бўлиб ўтди. Слётда область партия комитети секретари М. Худойқулов КПСС Марказий Қўмитетининг 1980 йил октябрь Пленуми қарорлари асосида меҳнаткашларнинг марксча-ленинча ўқуви, иқтисодий таълимни янада ривожлантиришда пропагандистлар олдида турган вазифалар тўғрисида доклад қилди.

Слёт қатнашчилари сиёсий ўқув самарадорлигини ошириш, тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш юзасидан ўзаро тажриба алмашдилар.

М. КАРОМОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ШОНЛИ ФАРЗАНДИ

ЖАҲОН ОБИДОВА ТУҒИЛГАН КУННИНГ 80 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

●

Ўзбек халқининг муносиб фарзанди Жаҳон Обидова Совет Шарқининг Улуғ Октябрь туфайли бахтга юзланган бахтиёр аёлларидан. У 1900 йилнинг 7 ноябрида Тошкент областининг тоғли Нанай қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилди. Октябрнинг ҳаётбахш нурлари таралиши биланоқ Совет ҳокимияти ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида хотин-қизларга эркаклар билан тенг ҳуқуқ берди. Ленин партияси маҳаллий партия ташкилотлари фаолиятини хотин-қизларни бутун мамлакатда иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётга актив жалб қилишга қаратди. Республика партия комитетлари ҳузурида хотин-қизлар ўртасида ишлаш бўйича бўлимлар тузилиб, уларнинг ёрдамида хотин-қизлар учун артеллар, саводсизликни тугатиш курслари, мактаблар ва билим юртлари ташкил этилди. Жаҳон Обидова саводсизликни тугатиш курсини битириб, ўзбек қизларидан биринчи бўлиб комсомол сафига қабул қилинди ва ижтимоий ҳаётга актив киришиб кетди.

Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси Халқ Комиссарлари Советининг декретига биноан бир йиллик курслар Ўзбекистон хотин-қизлар маориф институтига айлантирилди. Жаҳон ўзбек қиз-жувонларини ўқишга жалб этиш юзасидан катта ишлар олиб борди. Орадан кўп ўтмай қобилиятли қизни ишчилар факультетига ўтказишди. Айни вақтда у партия Марказий Комитетининг тошкирғини сидқидилик билан бажариб, контрреволюцион унсурларни аниқлаш ва тугатишда яқиндан ёрдам берди.

1921 йилда Обидова ишчилар факультетини битиргач, Туркистон КП Марказий Комитети томонидан Авлиёота (ҳозирги Жамбул) шаҳар партия комитети хотин-қизлар бўлими мудирининг ўринбосари этиб тайинланди. Унинг актив иштирокида ўзбек ва қозоқ аёлларини ижтимоий-сиёсий ҳаётга жалб этиш ишлари қизитиб юборилди. 1923 йилда Туркистон КП Марказий Комитети уни Тошкент область «Қўшчи» комитети хотин-қизлар секциясининг мудири этиб тайинлади. Мазкур секция олдига ер-сув ислоҳотини тайёрлаш ва ўтказиш, камбағал ва ўрта ҳол хўжаликларга қишлоқ хўжалик инвентарлари билан ёрдам бериш, деҳқон хўжаликларини кооперативлаштириш вазифаси қўйилган эди. Жаҳон бу ишларда катта ғайрат кўрсатиб муносиб обрў орттирди ва область партия комитетининг аъзоси этиб, область партия комитети пленумида эса ижроия бюросининг аъзолигига сайланди.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг I съезди «Хотин-қизлар ўртасида ишлаш тўғрисида» махсус резолюция қабул қилиб, маҳаллий миллат хотин-қизларини партия ва комсомол сафларига, ишлаб чиқаришга кенг жалб қилишнинг катта программасини белгилаб берган эди. Жаҳон Обидова Самарқанд Эски шаҳар район партия комитети хотин-қизлар бўлимининг мудираси этиб тайинланди. Унинг ташаббуси ва бевосита иштирокида хотин-қизлар клублари, саводсизликни тугатиш мактаблари, бичиш-тиқиш, драматик тўгараклар очилди.

Ўрта Осиё партия курсини тугатгач, Жаҳон Обидова Самарқанд округ партия комитетининг хотин-қизлар бўлимига ишга ўтказилди. Партия ва ҳукумат ер-сув ислоҳотини ўтказишда, «Ҳужум»ни муваффақиятли амалга оширишда фаол қатнашганлиги учун уни 1933 йилда Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирлади.

1927 йили Жаҳон Обидова ишчи ва деҳқон хотин-қизларининг республика I съездига делегат этиб сайланди. 1928 йилда эса Т. Шодиева билан биргаликда хотин-қизларнинг Бутуниттифоқ съездига сайланган делегатларга бошчилик қилди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети 1928 йилда уни Хоразмга юборди. Орадан бир йил ўтгач, Хоразм Советларининг область съездида Жаҳон Обидова Ўзбекистон Советларининг III съездига делегат этиб сайланди. Ўзбекистон Советларининг бу съезди Тошкентда 1929 йил апрель ойида бўлиб ўтди. Қурултойда сайланган республика Марказий Ижроия Комитети составига 44 хотин-қиз сайланди. Республика меҳнаткашларининг оқсоқоли Йўлдош Охунбобоевнинг таклифига кўра Жаҳон Обидова Ўзбекистон тарихида хотин-қизлардан биринчи бўлиб Марказий Ижроия Комитет Раисининг ўринбосари этиб сайланди. Тажрибали партия ходими шу масъул лавозимда фаол меҳнат қилди. СССР Марказий Ижроия Комитети Президиумида Ўзбекистонда хотин-қизларни озодликка чиқариш учун курашда эришилган муваффақиятлар тўғрисида, бу борада қилинажак ишлар ҳақида батафсил ахборот берди. СССР Советларининг V съездида СССР Марказий Ижроия Комитети Раисининг ўринбосари ва Марказий Ижроия Комитет аъзоси этиб сайланди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг қарорига биноан, Жаҳон Обидова 1931 йилда ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг баҳорги экиш кампаниясини ўтказиш бўйича вакили ва раҳбари сифатида Китоб, Чироқчи, Яккабоғ, Косон, Ғузор районларида катта ишлар қилди.

1935 йил охирларида Жаҳон Обидова Ўзбекистон ССРнинг ССР Иттифоқи ҳукумати ҳузуридаги доимий вакили этиб тайинланди ва бу лавозимда 1938 йилгача фаол меҳнат қилди. 1938—1941 йилларда Ўзбекистон ССР савдо министрининг ўринбосари, 1941—1949 йилларда республика консерва саноати трестининг бошлиғи бўлиб ишлади.

Коммунистик партия ва Совет давлати унинг самарали меҳнатига юксак баҳо берди. У икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Ҳурмат Белгиси» ордени ҳамда медаллар, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Халқ фарзанди, оташин коммунист Жаҳон Обидова 1966 йилда вафот этди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети ўзбек халқининг шонли фарзанди ҳотирасини абадийлаштирди. Жаҳон Обидова туғилган Нанай қишлоғи эндиликда Жаҳонобод номи билан машҳурдир. Тошкент тамаки фабрикаси, Оржоникидзе районидаги 99-мактаб ва Тошкент шаҳридаги кўчалардан бирига Жаҳон Обидова номи берилган. Халқ орасидан чиққан Жаҳон Обидованинг номи миннатдор авлодлар хотирасида абадий яшамоқда.

В. ЧЕБОТАРЕВА,
Ўзбекистон КП Марказий Комитети Партия тарихи институти директорининг ўринбосари, тарих фанлари доктори.

ПАРТИЯ АКТИВИ ЙИҒИЛИШИ

13 ноябрь куни Тошкентда Ўзбекистоннинг пойтахт области партия ташкилотининг актив йиғилиши бўлди. КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленуми қарорларини область партия ташкилотининг Пленум қарорларидан ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисида Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусаҳонов доклад қилди. Йиғилиш КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори область партия ташкилотида қандай бажарилаётганлигини ҳам муҳокама қилди.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленуми қарорларини область меҳнаткашлари жанговар иш программаси сифатида қабул қилганликларини таъкидладилар. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг табриконласи ҳаммаларнинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшди. Давлат омборларига олти миллион тоннадан кўпроқ «оқ олтин» етказиб берган Ўзбекистон меҳнаткашларини ўртоқ Л. И. Брежнев жуда катта меҳнат ғалабаси билан табриклаган эди. Сўзга чиққан нотиқлар эришилган муваффақиятларни кўпайтириш, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши илғорларининг тажрибасини ҳар бир меҳнат коллективининг мулкига айлантириш ғоят муҳим эканлигини айтдилар. Шу жумладан, кузги-қишки дала ишларининг бутун комплексини энг яхши агротехника муддатларида ва юқори сифатли қилиб ўтказиш, чорвачиликни интенсив ривожлантириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилиш КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленуми қарорларининг, ўртоқ Л. И. Брежнев нутқидаги қоидалар ва хулосаларнинг чуқур мазмуни ҳар бир меҳнатчининг онгига етказилиши учун идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш йўлларини белгилади.

(ЎзТАГ).

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

БАМАКО, 13 ноябрь. (ТАСС мухбири). Мали пойтахтида Совет—Мали дўстлигининг ёрқин намойишига айланиб кетган Совет Иттифоқи кунлари Ўзбекистон санъат усталарининг катта концерти билан тугади.

Мали жамоатчилиги СССР қардош халқлари кўп миллатли оиласининг вакили бўлмиш Ўзбекистон ССР маданияти ва санъати билан танишишдек ажойиб имкониятга эга бўлди.

Серқуёш Ўзбекистон вакиллари маройли концерт программасини кўрсатдилар. Фото экспозициялар ташкил қилдилар, ўзбек халқининг ҳаёти ва меҳнати тўғрисида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильмларни намойиш этдилар. Совет Иттифоқи кунлари доирасида ўзбек рассомларининг графикаси ва республика халқ ижоди кўргазмалари ҳам ташкил қилинди.

Малида Совет Иттифоқи кунлари ўтказилиши муносабати билан Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар совет жамиятлари союзининг Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева бошчилигидаги делегацияси бу ерда бўлди.

Мали оммавий ахборот органлари Совет Иттифоқи кунларини кенг қўламда ёритди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми янги техника ва технологияни ишлаб чиқаришга жорий этишда, янги қувватларни реконструкция қилиш ва ўзлаштиришда актив қатнашганлиги учун Тошкент чинни заводининг бош инженери ўртоқ Дилшод Илёсович Мақсудовга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган саноат ходими фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми капитал қурилишдаги хизматлари, кўп йил ва бенуқсон ишлаганлиги учун Ҳўжаев номидаги Тошкент пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг сувоқчиси ўртоқ Евдокия Афанасьевна Бирюковага Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика енгил саноати системасида кўп йил бенуқсон ишлаганлиги ва янги объектларни тезроқ ишга тушириш соҳасидаги хизматлари учун Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги корхоналари ходимларининг бир группасини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ТЎҒРИСИДА

I БОБ

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. **Халқ депутатлари область Совети — давлат ҳокимияти органидир**

СССР Конституциясига ва Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқ, халқ депутатлари область Совети областда давлат ҳокимияти органидир.

Халқ депутатлари область Совети умумдавлат манфаатларига ва Совет территориясида яшовчи гражданларнинг манфаатларига асосланиб, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган барча масалаларни ҳал қилади, юқори давлат органлари чиқарган қарорларни амалга оширади, халқ депутатлари қуйи Советларининг фаолиятига раҳбарлик қилади, республика ва умумиттифоқ аҳамиятига молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашади, улар юзасидан ўз таклифларини киритади.

2-модда. **ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг область Советлари тўғрисидаги қонунлари**

ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг халқ депутатлари область Советлари тўғрисидаги қонунлари «Халқ депутатлари ўлка, область Советларининг, халқ депутатлари автоном область ва автоном округ Советларининг асосий ваколатлари тўғрисида»ги СССР Қонунидан ҳамда шу Қонунига мувофиқ чиқариладиган ССР Иттифоқининг бошқа қонун актларидан, ушбу Қонундан ва Ўзбекистон ССРнинг бошқа қонун актларидан иборатдир.

3-модда. **Область Советини сайлаш тартиби**

Халқ депутатлари область Совети умумий, тенг ва тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Область Советининг ваколат муддати — иккі йилдир.

Область Советига сайлов ўтказиш тартиби СССР Конституциясига ва Ўзбекистон ССР Конституциясига, Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Қонунига мувофиқ равишда белгиланади.

4-модда. **Область Совети фаолиятининг асосий принциплари**

Халқ депутатлари область Советининг фаолияти масалаларни коллектив ҳалқ, эркин, амалий муҳокама қилиш ва ҳал этиш, ошкоравийлик, ижроия комитетининг, Совет тузадиган бошқа органларнинг шу Совет ва аҳоли олдида мунтазам ҳисоб бериб туриши, гражданларни ана шу органлар ишида қатнашишга кенг жалб этиш асосида олиб борилади.

Область Совети ўз фаолиятини социалистик қонунчилик талабларига, иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планларига, тўла мувофиқ ҳолда, жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективлари билан мустаҳкам алоқада олиб боради, энг муҳим масалаларни граждачлар муҳокамасига қўяди, уларни доимий комиссиялар, ижроия комитети ва область Советига ҳисоб берувчи бошқа органлар ишига жалб этади, маҳаллий қўнгилли жамиятлар фаолиятини йўналтириб боради, уларнинг ишига ёрдам беради, аҳолининг ижтимоий ташаббускорлигини ривожлантиради.

Область Совети ва шу Совет тузадиган органлар ўз ишлари ва қабул қилган қарорларидан аҳолини мунтазам равишда хабардор қилиб турадилар.

5-модда. **Область Советининг давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилишга раҳбарлик қилиши**

Халқ депутатлари область Совети ўз территориясида давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилишга раҳбарлик қилиб боради; областни иқтисодий ва социал ривожлантириш планларини ва область бюджетини тасдиқлайди; ўз қарамоғидаги давлат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга раҳбарлик қилади; колхозлар, бошқа кооператив ташкилотлари ва уларнинг бирлашмаларига давлат раҳбарлигини амалга оширишни таъминлайди; мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга кўмаклашади; қонунларга, давлат ва меҳнат интизомига риоя қилинишини, давлат ва жамоат тартиби сақланишини, гражданларнинг ҳуқуқлари муҳофаза этилишини таъминлайди.

Область қарамоғида асосан область аҳолисига хизмат қилувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар бўлади. Мазкур корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни область қарамоғига ўтказиш тартиби ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонунлари билан белгиланади.

6-модда. **Область Советининг ўз территориясида комплекс иқтисодий ва социал ривожланишни таъминлаши. Юқори идорага бўйсунувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан қилинадиган ўзаро муносабатлар**

Халқ депутатлари область Совети ўз ваколатлари доирасида Совет территориясида комплекс иқтисодий ва социал ривожланишни таъминлайди; Совет территориясида жойлашган бўлиб, юқори идорага бўйсунувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар қонунларга қаттиқ риоя этишларини ҳисобга олган ҳолда ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонунлари билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

11-модда. **Область Совети сессияси ўтаётган бинода ва Совет ижроия комитети биносида Ўзбекистон ССР Давлат байроғини кўтариш**

Ўзбекистон ССР Давлат байроғи тўғрисидаги Низомга мувофиқ, халқ депутатлари область Совети сессияси ўтаётган бинода — сессия ўтаётган бутун даврда, область Совети ижроия комитетининг биноси устида эса — доимий равишда Ўзбекистон ССР Давлат байроғи кўтарилган бўлади.

Область Совети ижроия комитетининг биноси устида СССР Давлат байроғини кўтариш СССР Давлат байроғи тўғрисидаги Низомда белгиланган тартибда бажарилади.

12-модда. **Область Совети юридик шахсдир**

Халқ депутатлари область Совети юридик шахс ҳуқуқидан фойдаланади.

Область Совети ижроия комитетининг Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан тасдиқланган нусхада гербли печати бўлади.

II БОБ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ КОМПЕТЕНЦИЯСИ

13-модда. **Планлаштириш, моддий-техника таъминоти, учёт ва ҳисобот соҳасидаги ваколатлар**

Халқ депутатлари область Совети:

1) областни иқтисодий ва социал ривожлантириш жорий ҳамда перспектив планларини тасдиқлайди, бу планларнинг амалга оширилишини ташкил этади ва контроль қилиб боради, уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлайди; жорий ҳамда перспектив планларни ишлаб чиқиш чоғида сайловчиларнинг наказларини, меҳнат коллективларининг таклифларини ҳисобга олади; планни тартибда иш олиб боришни яхшилаш, территориал ва тармоқ ривожланишини бир-бирига оқилона боғлаб бориш, область экономикасининг баланси тарзда ўсишини таъминлаш тадбирларини кўради; ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги ошишига, фан-техника тараққиёти тезлашишига, меҳнат унумдорлиги ўсиши ва маҳсулот сифати яхшиланишига ҳаракат қилади;

2) областнинг иқтисодий ва социал ривожланиш планлари таркибида социал ривожланиш соҳасидаги барча комплекс тадбирлар бўйича йиғма бўлимларни ишлаб чиқади ва бу бўлимларда меҳнат шароитларини яхшилаш, ходимларнинг малакасини ва касб маҳоратини, аҳолининг умумий таълим ва маданий савиясини ошириш, уй-жой ҳамда маданий-маиший турмуш шароитларини яхшилаш, медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш тадбирларини ҳамда социал тараққиёт ва маданият соҳасидаги бошқа чора-тадбирларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш, капитал қурилиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш топшириқлари билан боғлаган ҳолда амалга оширишни кўзда тутади;

3) область территориясида жойлашган бўлиб, юқори идорага бўйсунувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан тақдим этилган шу корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар планлари лойиҳаларининг Совет компетенциясига алоқадор қисмини кўриб чиқади, зарур ҳолларда ўз таклифларини тегишли юқори органларга ҳазола этади ва бу таклифларни муҳокама қилишда қатнашади; маҳаллий қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга, халқ истеъмоли товарлари чиқаришга, уй-жой-коммунал ва маданий-маиший қурилишга оид йиғма, жорий ва перспектив планлар тузади ҳамда уларни тасдиқлайди, шунингдек мазкур планларнинг бажарилишини контроль қилиб боради. Юқори идорага бўйсунувчи корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар бўйича берилган кўрсаткичларни йиғма планларга киритиш вактида СССР ва Ўзбекистон ССРнинг тегишли министрликлари, давлат комитетлари ва идоралари томонидан тасдиқланган план топшириқларига асосланиб иш кўради;

4) область қарамоғидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг жорий ҳамда перспектив планларини тасдиқлайди, мазкур корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни жойлаштириш, ривожлантириш ва ихтисослаштириш масалаларини ҳал қилади, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чораларини кўради;

5) область қарамоғида бўлиб, район ва шаҳар Советлари территориясида жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг планлари лойиҳалари асосий кўрсаткичларини ва тасдиқланган планларини халқ депутатлари район ва шаҳар (областга бўйсунувчи шаҳарлар) Советларига етказади;

6) Совет территориясида жойлашган территориал-ишлаб чиқариш комплекслари ва саноат узелларини ташкил этиш, мавжудларини ривожлантиришни кўзда тутувчи маҳаллий ҳамда бошқа программаларни ишлаб чиқишда қатнашади;

7) СССР ва Ўзбекистон ССРнинг тегишли министрликлари, давлат комитетлари ва идоларига улар қарамоғидаги корхоналарда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш тўғрисида таклифлар киритади (бу таклифларни кўриб чиқиш натижалари область Советига кўпи билан бир ойлик муддат ичида маълум қилиниши лозим); СССР ва Ўзбекистон ССР министрликлари, давлат комитетлари ва идоларининг ўз қарамоғидаги корхоналарда асосий маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган номенклатурадан ташқари халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш тўғрисида киритган таклифлари юзасидан хулосалар беради;

8) меҳнат ресурслари, маҳаллий қурилиш материаллари ва ёқилғи балансларини, ер балансини, аҳолининг пул даромадлари ва харажатлари балансини ҳамда область территориясида комплекс иқтисодий ва социал ривожланишни планлаштириш учун зарур бўлган бошқа балансларни ишлаб чиқади;

9) область қарамоғидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни қонунларда белгиланган тартибда тузади, қайта ташкил этади ёки тугатади; зарур ҳолларда юқори идорага бўйсунувчи корхоналар ва ташкилотларни тузиш, қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида таклифлар киритади;

10) область қарамоғидаги таъминот ва савдо ташкилотларига раҳбарлик қилади; область қарамоғидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг моддий-техника таъминотини, шунингдек улар ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг сотилишини уюштиради;

11) область қарамоғидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда олиб бориладиган учёт, ҳисобот ва статистика ишларига раҳбарлик қилади; давлат статистикаси органларига ёрдам кўрсатиб боради; учёт ишларини марказлаштириш ва механизациялаш, учётга олишнинг прогрессив методларини жорий этиш тадбирларини амалга оширади; ҳисобот маълумотлари тузиш ва уларни тақдим этиш юзасидан белгиланган тартибга риоя қилинишини таъминлайди.

14-модда. **Бюджет-молия ишлари соҳасидаги ваколатлар**

Халқ депутатлари область Совети:

1) область бюджетини асосий даромад манбаларини кўрсатган ҳолда даромадларнинг умумий суммасида ва маҳаллий хўжаликни, социал-маданий тадбирларни пул билан таъминлашга, область давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини таъминлашга ажратиладиган маблағларни кўрсатган ҳолда харажатларнинг умумий суммасида тасдиқлайди; бюджетни тузиш чоғида сайловчиларнинг наказларини ҳисобга олади;

2) область бюджетини, область бюджети бўйича касса оборотидаги нақд пул миқдорини тасдиқлайди; область бюджети даромадлари ва харажатларини кварталлар бўйича тақсимлаши тасдиқлаш тартибини белгилаб беради;

3) область бюджети даромадлари ва харажатларини область бюджети билан областга бўйсунувчи районлар ва шаҳарлар бюджетлари ўртасида чегаралаб қўяди;

4) областга бўйсунувчи районлар ва шаҳарлар бюджетларини ҳар бир район, шаҳар бўйича даромадларнинг умумий суммасида ва харажатларнинг умумий суммасида белгилаб беради, шунингдек ана шу бюджетлар бўйича касса оборотидаги нақд пул миқдорини белгилаб қўяди; давлат солиқлари ва даромадларидан областга бўйсунувчи районлар ва шаҳарлар бюджетларига ажратиладиган маблағлар миқдорини тасдиқлайди;

5) область бюджетининг ижросини ташкил этади; областга бўйсунувчи районлар ва шаҳарлар бюджетларининг ижро этилиши, молия ва штат интизомига риоя қилиниши, корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар ишлаб чиқариш-молия планларининг ва бюджетга тўловлар юзасидан олган мажбуриятларининг бажарилиши, моддий, меҳнат ва молия ресурсларидан самарали ҳамда оқилона фойдаланилиши устидан контроль олиб боради; область ижроия комитети бўлимлари, бошқармалари, область қарамоғидаги корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларнинг молиявий-хўжалик фаолияти якунларини кўриб чиқади, бюджетга тушадиган фойдалар ва даромадларни кўпайтиришнинг хўжалик ички резервларини ахтариб топиш чораларини кўради;

6) область бюджетини ижро этиш вақтида олинган қўшимча даромадларни, шунингдек даромадлар ошириб бажарилиши ёки харажатлар тежалиши натижасида йил охирига келиб даромадларнинг харажатлардан ортиқ бўлган суммасини маҳаллий хўжалик ва социал-маданий тадбирларни маблағ билан таъминлаш, шу жумладан белгиланган план лимитларидан ташқари капитал маблағлар ажратиш учун, маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг, улар бўлимлари ва бошқармаларининг, судлар, давлат арбитражи ва нотариал конторларининг биноларини капитал ремонт қилиш учун, уларга инвентарь ва асбоб-ускуналар сотиб олиш учун, шунингдек район, шаҳар, шаҳарлардаги район, посёлка ва қишлоқ Советларининг ижроия комитетлари биноларини қуриш, уларга транспорт воситалари сотиб олиш ва уларни ремонт қилиш учун сарфлайди (давлат капитал маблағлари сарфлаш плани ва социал-маданий муассасалар тармоқларини ривожлантириш плани бажарилмаганлиги сабабли фойдаланилмай қолган маблағлардан ташқари, юқорида кўрсатилган маблағларни область бюджетидан чегириб олишга йўл қўйилмайди);

7) зарур ҳолларда бюджетни ижро этиш жараёнида область бюджети маблағларини хўжалик тармоқлари, ижроия комитети бўлимлари ва бошқармалари ўртасида қайта тақсимлайди, шунингдек тасдиқланган иш ҳақи фонди доирасида иш ҳақи бериш учун маблағларни тақсимлайди;

8) область бюджетининг ижро этилиши тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлайди;

9) қуйи Советлар ижроия комитетларининг моддий-молиявий базасини мустаҳкамлаш тадбирларини амалга оширади;

10) область бюджетида қонунларга мувофиқ халқ депутатлари область Совети ижроия комитетининг кўзда тутилмаган харажатлар фондини тузади;

11) областга бўйсунувчи районлар ва шаҳарлар бюджетлари бўйича кассадаги муваққат планли узилишларни қоплаш учун область бюджетидан ссудалар бериш тартибини белгилаб, бу ссудаларни жорий йилнинг ўзида тўлашни шарт қилиб қўяди;

12) зарур ҳолларда область бюджети маблағларидан табиий офатлар ва бошқа ҳоллар туфайли зарар кўрган гражданларга қонунларда белгиланган тартиб ва миқдорларда бир йўла пул ёрдами кўрсатади;

13) янка тартибда уй-жой қуриш учун СССР Давлат банки ва СССР Қурилиш банки ҳисобидан берилган ссудалар бўйича тўланадиган қарзни ундириб олиш умиди йўқлигини ҳисобга олиб, бундай қарзларни, истисно тариқасида, айрим қарздорлар зиммасидан халқ депутатлари район, шаҳар Советлари ижроия комитетларининг илтимослари бўйича область бюджети ҳисобига ўчириб юборади;

14) давлат солиғи ва маҳаллий солиқлар ҳамда йиғимларни ҳисоблаб чиқиш ва олиш ишига раҳбарлик қилади; табиий офатлардан зарар кўрган колхозларга қонунларга мувофиқ равишда даромад солиғи тўлаш муддатини узайтириб беради, зарур ҳолларда бу колхозларни тегишли бюджетлар ҳисобига солиқ тўлашдан батамом ёки қисман озод қилади; область учун белгиланган қишлоқ хўжалик солиғининг ўртача ставкаларига асосланиб, айрим районлар ва аҳоли пунктлари учун солиқ ставкаларини белгилаб беради; зарурат туғилган ҳолларда, солиқ солинадиган объектлар ва солиқ тўловчилар группаларининг айрим категориялари учун ҳам, шунингдек айрим солиқ тўловчилар учун ҳам маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ставкаларини камайтириши ва шундай солиқ ҳамда йиғимлар бўйича имтиёзлар белгилаб қўйиши мумкин; солиқлар ва йиғимлар олиш тўғрисидаги қонунларга биноан ўз ихтиёрига берилган бошқа масалаларни ҳал қилади;

15) областга бўйсунувчи районлар ва шаҳарлар бўйича СССР Давлат банки область конторасининг квартал касса планларини кўриб чиқади ва уларни бажариш чораларини кўради; область бўйича колхозларга, қишлоқ хўжалигидаги хўжаликлараро корхоналар (ташкилотлар)га уй-жой қуриш кооперативларига ва якка тартибда қарз олувчиларга узоқ муддатли кредит бериш планларини тасдиқлайди; берилган кредитлардан тўғри фойдаланилиши ва узоқ муддатли ссудалар ўз вақтида қайтарилишини контроль қилиб боради; узоқ муддатли кредитларни қарз олувчиларнинг ҳар бир группаси учун узоқ муддатли кредит бериш планида белгиланган умумий сумма доирасида областга бўйсунувчи районлар ва шаҳарлар ўртасида қайта тақсимлайди;

16) колхозларнинг ажратиладиган маблағлари колхозчилар социал таъминотининг марказлаштирилган иттифоқ фондига ва колхозчилар социал страхованиесининг марказлаштирилган иттифоқ фондига ўз вақтида тўланиши устидан контроль қилиб боради;

17) иморатлар, қурилишлар ва бошқа иншоотларни, транспорт воситалари ва бошқа мол-мулкларни давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг бири балансидан иккинчи хилдаги давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари, шунингдек колхозлар, қишлоқ хўжалигидаги хўжаликлараро корхоналар (ташкилотлар) балансига ўтказиш масалаларини қонунга мувофиқ равишда ҳал қилади;

18) маҳаллий қарамоқдаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга улар учун ажратилган капитал маблағлар ҳисобидан кооператив ва бошқа жамоат ташкилотларидан страхование баҳосидан ошиқ бўлмаган нархларда бинолар ҳамда иншоотлар сотиб олиш учун рухсат беради;

19) давлат меҳнат омонат кассалари, маҳаллий давлат страхованиеси органлари ишларини йўналтириб туради, уларнинг тармоқларини ривожлантириш ва жойлаштиришга ёрдамлашади;

20) идора ичи молиявий контроль ишларини ташкил этади ва йўналтириб боради.

15-модда. **Нарх-наволар соҳасидаги ваколатлар**

Халқ депутатлари область Совети:

1) область территориясида ягона нарх-наво сиёсатини ўтказиш тадбирларини амалга оширади; область территориясида жойлашган корхоналар ва ташкилотлар нарх-наволар, тарифлар, устамалар ва скидкаларни тўғри белгилашлари ва тўғри қўлланишлари устидан контроль уюштиради ва уни амалга оширади; нарх-наволар ва тарифларга риоя қилиниши устидан давлат ва жамоат контроли самарадорлигини ошириш, шунингдек давлат нарх-наво интизомини бузиш ҳолларининг олдини олиш ва бундай ҳолларни йўқотиш юзасидан зарур чоралар кўради;

2) қонунларга мувофиқ нарх-наволар ва тарифларни тасдиқлаш масалаларини ҳал этади; ўз компетенцияси доирасида нарх-наволар ва тарифларни такомиллаштириш юзасидан тегишли чоралар кўради; бир хилдаги маҳсулотларга кўп хилда баҳо қўйилишини йўқотиш ҳамда бир хил буюмларнинг баҳосидаги ва кўрсатиладиган хизматлар тарифидаги тафовутларга барҳам бериш чораларини кўради.

16-модда. **Саноат соҳасидаги ваколатлар**

Халқ депутатлари область Совети:

1) область қарамоғидаги саноат корхоналари ва бирлашмаларига раҳбарлик қилади, уларнинг ишлаб чиқариш-молия планлари бажарилишини таъминлайди, асосий фондлар ва оборот маблағларидан фойдаланилиши ва чиқарилаётган маҳсулотлар сифати устидан контроль қилиб боради, мазкур корхона ва бирлашмаларнинг молиявий-хўжалик фаолияти якунларини тасдиқлайди, ҳосил қилинган фойдани белгиланган тартибда тақсимлашни аниқлай қўяди; янги техника ва илғор технологияни, оғир меҳнат процессларини механизациялашни ишлаб чиқаришга жорий этиш, асбоб-ускуна ва материаллардан самарали фойдаланиш тадбирларини амалга оширади; қонунларга мувофиқ маҳаллий саноатни ривожлантириш фондини тузади;

2) область қарамоғидаги саноат корхоналари ва бирлашмаларининг маҳаллий хом ашёдан ишлаб чиқарилган, шунингдек шу корхоналар ва бирлашмаларнинг ичқитлари ва хом ашёсидан тайёрланган маҳсулотларни тақсимлайди;

3) халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга раҳбарлик қилади, область территориясида жойлашган барча корхоналарда ана шундай товарлар ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириб ва контроль қилиб боради, товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг хилларини кенгайтириш ва сифатини ошириш чораларини кўради; ишлаб чиқаришнинг марказлаштирилган тартибда тақсимланмайдиган чиқитларидан фойдаланиб, маҳаллий хом ашё базасида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ташкил этади;

4) область территориясида жойлашган бўлиб, юқори идорага бўйсунувчи саноат корхоналари, бирлашмалари ва ташкилотларига ишлаб чиқариш қувватларидан, моддий, меҳнат ва молия ресурсларидан оқилона фойдаланишда, ишчи ва хизматчиларга кўрсатиладиган социал-маданий, маиший ва бошқа хил хизматни яхшилашда ёрдам беради;

5) халқ бадиий ҳунармандчилиги ва касб-корлигини ривожлантиришга кўмаклашади; халқ бадиий ҳунармандчилигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, буюмлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг сифатини ошириш ва хилларини кенгайтириш чораларини кўради; бадиий ҳунармандчилик корхоналари ва ташкилотларини белгиланган тартибда моддий-техникавий жиҳатдан таъминлайди.

17-модда. **Қурилиш, шаҳарсозлик ва архитектура соҳасидаги ваколатлар**

Халқ депутатлари область Совети:

1) шаҳарсозлик, архитектура ва комплекс иморатлар қуриш ишига раҳбарлик қилади; капитал қурилиш бўйича лойиҳа-қидирув ишлари титул рўйхатларини тузиш, шунингдек тежамли типовой лойиҳалар ва конструкцияларни, қурилишнинг индустриал методларини, маҳаллий қурилиш материалларини кенг жорий этиш, капитал маблағлардан самарали фойдаланиш, қурилишнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ишларини ташкил этади; қурилиш қийматини пасайтириш, унинг самарадорлиги ва сифатини ошириш ҳамда қурилиш муддатларини қисқартириш, фан ва техника ютуқларини, илғор иш усулларини, планлаш ва иморат қуришнинг прогрессив ҳамда тежамли усулларини, инженерлик ускуналарини қурилишларга жорий этиш тадбирларини ҳамда ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишларини амалга оширади;

2) район планировкаси лойиҳалари ва схемаларини, шаҳар атрофи зоналари планировкаси лойиҳаларини, шаҳарлар ҳамда бошқа аҳоли пунктларининг бош планлари ва муфассал планировкаси лойиҳаларини, область территориясида янги қурилишларнинг жойлаштирилишини, шунингдек, саноат, транспорт объектлари ва бошқа объектларни кенгайтириш ва реконструкция қилиши белгиланган тартибда тасдиқлайди ёки келишиб олади;

3) область территориясида олиб борилаётган қурилишлар устидан, қурилиш-монтаж ишларининг муддатлари ва сифати, ер-жой-граждан аҳамиятига молик бўлган барча объектларда, область қарамоғидаги ишлаб чиқариш объектларида лойиҳа ва сметаларга риоя этилиши устидан, юқори органларга қарашли ишлаб чиқариш объектларида лойиҳаларга риоя қилинишин, шунингдек, кимга қарашли эканлигидан қатъи назар, қурилиш объектлари учун ажратиб берилган ер участкаларидан тўғри фойдаланилиши устидан контроль қилиб боради; қонун талабларига хилоф равишда олиб борилаётган қурилишларни тақиқлаб ёки тўхтатиб қўяди; қурилиш-монтаж ишлари сифатида бажарилган ва ер-жой-граждан аҳамиятига молик объектлар тўла қурилиб битказилмаган ҳолда фойдаланишга топширилган, корхоналар белгиланган стандартлар ва техника шартларидан четга чиқиб тайёрланган қурилиш материаллари ва буюмлари чиқарганлари тақдирда белгиланган тартибда бошқа чораларни кўради;

4) область қарамоғидаги лойиҳа, қурилиш-монтаж ва ремонт-қурилиш ташкилотларига раҳбарлик қилади, уларнинг ишлаб чиқариш-молия планларини бажаришларини таъминлайди; область қарамоғидаги қурилишлар ва объектлар бўйича қонунда белгиланган смета қиймати доирасида лойиҳалар ва титул рўйхатларини тасдиқлайди;

5) область қарамоғидаги объектлар қурилиши бўйича буюртмачи вазифасини бажаради, қурилишларни маблағ билан, лойиҳа-смета ҳужжатлари, моддий ва меҳнат ресурслари билан таъминлайди; кооператив қурилишни ташкил этади; якка тартибдаги уй-жой қурилишига кўмаклашади; корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг, колхозлар ва совхозларнинг розилиги билан уларнинг уй-жой қурилиши, коммунал қурилиш, йўл қурилишига, маориф, маданият, соғлиқни сақлаш, физкультура ва спорт, социал таъминот муассасалари, савдо ва умумий овқатланиш, маиший хизмат корхоналари қурилишига ажратиладиган маблағларидан биргаликда фойдаланиш, шунингдек бу маблағларни бирлаштириш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилади, қурилишларнинг шу турлари бўйича буюртмачини белгилаб беради.

18-модда. **Қишлоқ хўжалиги ва тайёрлаш соҳасидаги ваколатлар**

Халқ депутатлари область Совети:

1) қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши соҳасига раҳбарлик қилади, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва сифатини ошириш, ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш ва автоматлаштириш, хўжаликлараро кооперация ва аграр-саноат интеграцияси асосида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш чораларини кўради;

2) районлар, область қарамоғидаги қишлоқ хўжалик корхоналари, бирлашмалари ва ташкилотлари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш давлат план топшириқларини тасдиқлаб қўйди, уларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш планларини ўз вақтида бажаришларини ташкил этади; қишлоқ хўжалик маҳсулотлари яхши сақланишини таъминлайди;

3) тайёрлов ташкилотларининг колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда бирлашмалари билан шартнома муносабатларини ва бевосита алоқаларини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш ишларини қондириб қилиб боради;

4) тайёрлов ташкилотлари, шунингдек савдо корхоналари ва ташкилотларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳамда хом ашё харид қилиш, уларни сақлаш, қайта ишлаш ва реализация қилиш ишлари устидан контроль олиб боради; маҳсулотларни ўз жойида қабул қилиб олиш ишини ташкил этиш чораларини кўради;

5) фан-техника ютуқларини ва илғор тажрибаларни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига жорий этиш, колхозлар, совхозлар, бирлашмалар бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотларида иқтисодий ҳамда молиявий ишларни такомиллаштириш, қишлоқ хўжалик техникасидан, транспорт, ёқилғи, ўғитлар, заҳарли химикатлар ва бошқа моддий-техника ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларни тўғри сақлаш чораларини кўради;

6) колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда ташкилотларининг ишлаб чиқариш йўналишини белгилаб қўйиш ёки ўзгартириш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилади ёхуд қонунларда кўзда тутилган ҳолларда бу масалаларни ҳал этишда қатнашди;

7) ветеринария хизматига раҳбарлик қилади; зарур ҳолларда карантин белгилайди ҳамда карантин ва бошқа ветеринария-санитария қоидаларига риоя этилишини таъминлайди;

8) қишлоқ хўжалик ўсимликлари зараркунандалари ҳамда касалликларига ва бегона ўтларга қарши кураш юзасидан мажбурий чора-тадбирлар ўтказилишини таъминлайди, зарур ҳолларда ўсимликларга карантин кўлланиш ёки уни олиб ташлаш хусусида қарорлар қабул қилади, ўсимликларни химоя қилишнинг кимёвий воситаларини ва ўсимликлар карантини қоидаларини қўллаш чоғида хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя этилиши устидан контроль ўрнатади;

9) колхозларнинг уставларига, колхозлар ишларини бошқаришнинг демократик асосларига риоя қилиниши, колхозларда шахсий манфаатлар билан жамоат манфаатлари бир-бирига тўғри боғлаб борилиши устидан контроль олиб боради;

10) қишлоқ хўжалигидаги хўжаликлараро корхоналар (ташкилотлар), бирлашмалар ташкил этиш билан боғлиқ бўлган масалаларни, уларнинг фаолиятига, уларни қайта тузиш ҳамда тугатишга оид масалаларни белгиланган тартибда ҳал қилади;

11) корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликларида, шунингдек колхозчилар, ишчилар, хизматчилар ва бошқа гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, коллектив боғдорчилик ва полиэчиликни янада ривожлантириш тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади.

19-модда. **Мелиорация ва сув хўжалиги соҳасидаги ваколатлар**

Халқ депутатлари область Совети:

1) сувдан фойдаланиш ва уни сақлаш соҳасида давлат бошқаруви ва давлат контролини амалга оширади; сув хўжалик органлари фаолиятига раҳбарлик қилади;

(Давоми тўртинчи бетда)

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ТЎҒРИСИДА

(Бошы 3-бетда).

2) сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва қўшимча сув ресурсларини ахтариб топиш чораларини кўради; суғориладиган ер майдонларини кенгайтириш ва уларни зарур мелиоратив ҳолатда сақлаш ишларини ташкил этади;

3) суғориш ва мелиорация қурилишига раҳбарлик қилади, суғориш ва мелиорация иншоотларидан самарали фойдаланишни таъминлайди; суғориш ва мелиорация ишларини ўтказишда республика ҳамда иттифоқ органларига зарур ёрдам кўрсатиб боради;

4) сувдан фойдаланиш планларини тасдиқлайди ва ирригация иншоотларини яхши сақлашни таъминлайди; авария-тиклаш ишлари ва тошқинга қарши кураш ишларини амалга оширади, бунинг учун меҳнат ресурслари ва моддий воситаларни сафарбар этади;

5) сув объектларидан якка тартибда тўла ёки қисман фойдаланиш учун рухсат беради;

6) ирригация қурилишида, ирригация тармоқларини ремонт қилиш, тозалаш ишларида ва улардан фойдаланишда оид бошқа ишларда аҳолининг меҳнатидан фойдаланишни ташкил этади.

20-модда. **Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ваколатлар**

Халқ депутатлари область Совети:

1) область территориясидаги ҳамма ерлардан фойдаланиш ва уларни яхши сақлаш соҳасида давлат бошқаруви ва давлат контролини амалга оширади;

2) ер участкалари беради ва уларни қайтариб олади ҳамда ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонунларида белгиланган ҳолларда ва тартибда ер тўғрисидаги низоларни ҳал қилади; юқори органларнинг қарорига биноан ер участкалари ажратиб бериш ва уларни қайтариб олиш хусусида ўз хулосаларини беради;

3) илмий асосланган ер тузиш лойиҳаларига асосан хўжаликларни йириклаштириш ва кичиклаштириш, ерларни ердан фойдаланувчилар ўртасида тақсимлаш чорида колхозлар, совхозлар, бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фойдаланадиган ерлар чегарасини ва миқдорини белгиланган тартибда ўзгартиради; умум фойдаланадиган ерлар ҳисобига томорқа ер майдонларини кўпайтириш тўғрисида колхоз аъзоларининг умумий йиғилишлари ёки вакиллар йиғилишлари қабул қилган қарорларни тасдиқлайди; ишчилар ва хизматчиларнинг томорқа ерлари камлик қилган тақдирда уларни шундай томорқа участкалар билан таъминлаш учун совхозлар ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларининг томорқа ерлари майдонини кенгайтириш масаласини ҳал этади;

4) ердан фойдаланувчилар тупроқ унумдорлигини ошириш, шамол ва сув эрозиясининг, тупроқнинг шўр босиши, ботқоқланиб қолиши ҳолатининг олдини олиш, шунингдек тупроқ ҳолатини ёмонлаштирувчи бошқа жараёнларга йўл қўймаслик юзасидан самарали чоралар кўришлари устидан контроль ўюштиради;

5) қонунларда белгиланган тартибда ва ердан фойдаланувчиларнинг ер участкаларини олмасдан туриб, ҳамма ерларда геология-суратга олиш, қидирув, геодезия ишларни ва шу каби бошқа текширув ишлари олиб бориш учун рухсат беради;

6) область территориясида сувдан, ўрмонлардан, ер ости бойликларидан, атмосфера ҳавосидан ва ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ва уларни сақлаш соҳасида давлат бошқаруви ва давлат контролини амалга оширади; ўрмон хўжалигини ривожлантириш, ўрмон ресурсларидан ва ўрмонларнинг фойдали табиий хусусиятларидан фойдаланиш ишини планлаштиришда қатнашади; ўрмонларни кўриқлаш ва муҳофаза қилиш; ўрмонларда ёнғин чиқишига қарши кураш олиб бориш юзасидан тадбирлар ўтказилишини таъминлайди; ер ости бойликларидан фойдаланиш вақтида бузилган ер участкаларини хавфсиз ҳолатга келтириш шунингдек ерларни экин экишга яроқли ҳолга келтириш тадбирлари амалга оширилишини контроль қилиб боради;

7) қанча ер мавжудлиги, уларнинг сифатли ҳолатда сақланиши ва уларга берилган баҳо ҳақидаги ҳисоботларни кўриб чиқади ва тасдиқлайди;

8) атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни сақлаш ва қайта тиклаш тадбирлари ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини таъминлайди; ов қилиш ва балиқ тутиш қоидаларига риоя этилиши устидан контроль олиб боради, табиатни кўриклаш, овчилар, балиқчилар жамиятлари фаолиятини йўналтириб туради.

21-модда. **Йўл хўжалиги соҳасидаги ваколатлар**

Халқ депутатлари область Совети:

1) область территориясида умум фойдаланадиган автомобиль йўллари шохобчаларини ривожлантиришни ва уларнинг яхши сақланишини таъминлайди, йўл ҳаракатини тартибга солишнинг техника воситаларини ва алоқа воситаларини ўрнатишни, ремонт ишларини бажариш ҳамда йўлларни яхши сақлаш хизмати учун бинолар ва иншоотлар қуришни таъминлайди;

2) область автомобиль йўлларини ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган бошқа йўлларни қуриш, ремонт қилиш, яхши ҳолатда сақлаш ва улардан фойдаланиш ишига раҳбарлик қилади; умумдавлат ва республика аҳамиятига молик автомобиль йўлларини қуриш, яхши ҳолатда сақлаш ва улардан тўғри фойдаланишга кўмаклашади; хўжалик ичидаги автомобиль йўлларини қуриш, ремонт қилиш ва яхши ҳолатда сақлаш устидан контроль олиб боради;

3) ишчи кучи, машина ва механизмлардан йўл қурилишида, йўлларни ремонт қилиш ва сақлаш чоғида оқилона фойдаланиш тадбирларини амалга оширади;

4) маҳаллий автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, ремонт қилиш ва яхши ҳолатда сақлаш ишига колхозлар, совхозларни, саноат, транспорт, қурилиш корхоналари ва бошқа корхоналар ҳамда хўжалик ташкилотларини қонунларда белгиланган тартибда жалб этишни ташкил қилади, бу ишда қатнашиш формаларини белгилаб беради;

5) область қарамоғидаги йўл қурилиши, ремонт-қурилиш ва йўллардан фойдаланиш корхоналари ҳамда ташкилотларининг ишлаб чиқариш базасини ривожлантиришни таъминлайди;

6) автомобиль йўлларини область аҳамиятига молик йўллар қаторига ўтказиш масалаларини ҳал қилишда қатнашади; тегишли юқори органлар билан келишиб туриб, область йўлларидан ташқари, маҳаллий аҳамиятга молик йўллар рўйхатини тасдиқлайди.

22-модда. **Транспорт ва алоқа соҳасидаги ваколатлар**

Халқ депутатлари область Совети:

1) область қарамоғидаги транспорт ва алоқа корхоналарига раҳбарлик қилади;

2) юқори идорага бўйсунувчи транспорт корхоналари ва ташкилотларининг аҳолига хизмат кўрсатиш фаолияти устидан контроль қилиб боради, юк ташиш планларини бажаришда уларга ёрдам кўрсатиб туради;

3) автомобиль транспортини йирик автотранспорт корхоналарига тўплаш тадбирларини кўради;

4) корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва гражданларнинг автомобиллари ва бошқа транспорт воситалари турларини рўйхатга ва учётга олишни ҳамда уларнинг техника ҳолати устидан назорат қилиб боришни ташкил этади; гражданларнинг шахсий мулкида бўлган автотранспортдан тўғри фойдаланилишини контроль қилиб боради;

5) йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўради;

6) область қарамоғидаги алоқа корхоналари ва ташкилотларига раҳбарлик қилади, алоқа корхоналари аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилашлари юзасидан чоралар кўради, телефон, телеграф ва почта алоқасини, радиолаштириш ва телевидениени ривожлантиришда, алоқа линияларини ремонт қилиш ва сақлашда уларга ёрдам кўрсатади.

23-модда. **Уй-жой, коммунал хўжалик ва ободончилик соҳасидаги ваколатлар**

Халқ депутатлари область Совети:

1) уй-жой, коммунал хўжалик ва ободончилик ишларига, область қарамоғидаги уй-жой, коммунал хўжалик ва ободончилик корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларига раҳбарлик қилади; уй-жой, коммунал хўжалик ва ободончилик корхоналари ҳамда ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирларини амалга оширади; уй-жой ва коммунал хўжаликни комплекс ривожлантиришни таъминлайди;

2) маҳаллий Советлар ихтиёрида бўлган уй-жой фондини сақлаш, ундан тўғри фойдаланиш, уни капитал ва жорий ремонт қилиш ишини таъминлайди;

3) идораларга қарашли уй-жой фондининг, коммунал корхоналар ва иншоотларнинг ҳолати ва улардан фойдаланиш устидан, кооператив уй-жойлар ва гражданларнинг шахсий мулкидаги уйларнинг яхши сақланиши устидан контроль олиб боришни уюштиради; идораларга қарашли уй-жой фондини маҳаллий Советлар ихтиёрига ўтказиш чораларини кўради;

4) уй-жойга муҳтож бўлган гражданларни ҳисобга олиш ҳолатини, шунингдек турар жой майдонларининг тўғри тақсимланишини контроль қилиб боради;

5) шаҳарлар, посёлкалар ва бошқа аҳоли пунктларини электрлаштириш, сув билан, газ билан, иссиқлик ва канализация билан таъминлаш, аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш ҳамда уни ёқилғи билан таъминлаш чораларини ишлаб чиқади ва уларни амалга оширишни ташкил этади; тозалаш иншоотлари ва мосламалари қуриш ҳамда улардан фойдаланиш устидан контроль олиб боради;

6) аҳоли пунктларининг ободончилик ва санитария ҳолати даражаси юксалишига, дарахтзорларни сақлаш ва кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ўтказилишини таъминлайди;

7) юқори идорага бўйсунувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни аҳоли пунктларини ободонлаштиришда қатнашишга жалб этиш ишлари устидан контроль қилиб боради;

8) қабристонлар, ўртоқлик мозорлари ва бошқа гўристонларнинг яхши ҳолатда сақланишини таъминлайди.

24-модда. **Савдо ва умумий овқатланиш соҳасидаги ваколатлар**

Халқ депутатлари область Совети:

1) область территориясида давлат ва кооператив савдосига, умумий овқатланиш ишларига, область қарамоғидаги савдо ҳамда умумий овқатланиш корхоналари ва ташкилотлари ишига раҳбарлик қилади; савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни савдо-технология, совутиш ускуналари ва бошқа ускуналар билан жиҳозлаш тадбирларини амалга оширади;

2) область қарамоғидаги чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ҳамда ташкилотлари учун товар оборот планларини тасдиқлаб қўяди; давлат савдоси ва матлубот кооперацияси ташкилотлари бўйича халқ истеъмоли товарларининг белгиланган номенклатурага мувофиқ бозор фондларини тақсимлайди ва қайта тақсимлайди;

3) юқори идорага қарашли савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ҳамда ташкилотлари ишини мувофиқлаштириб ва контроль қилиб боради;

4) озиқ-овқат ва саноат товарларининг қўшимча маҳаллий ресурсларини товар оборотига жалб этиш ишларини уюштиради;

5) аҳолининг халқ истеъмоли товарларига бўлган эҳтиёжини ўрганиш ишини ташкил этади; корхоналар, бирлашмалар, колхозлар ва совхозларнинг савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ҳамда ташкилотлари билан шартномалар тузишини таъминлайди; савдо ва умумий овқатланиш корхоналари шохобчаларини ривожлантириш, савдо-сотиқ ва хизмат кўрсатишнинг прогрессив формаларини жорий этиш тадбирларини амалга оширади;

6) матлубот кооперацияси комиссион асосларда олиб борадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдоси устидан контроль юритади;

7) область матлубот жамиятлари союзи Уставига, матлубот кооперацияси ишларини бошқаришнинг демократик асосларига риоя этилиши устидан контроллик қилади;

8) колхоз савдосини ривожлантириш чораларини кўради; колхоз бозорларида савдо қилиш қоидаларини белгилаб беради;

9) савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида ҳамда колхоз бозорларида савдо қилиш қоидалари ҳамда санитария қоидаларига риоя этилиши устидан контроль олиб боради.

25-модда. **Маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги ваколатлар**

Халқ депутатлари область Совети:

1) аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ишига, область қарамоғидаги маиший хизмат корхоналари ва ташкилотларига раҳбарлик қилади; маиший хизмат корхоналарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мавжуд қувватлардан самарали фойдаланиш тадбирларини амалга оширади;

2) область қарамоғидаги маиший хизмат корхоналари ва ташкилотларининг ишлаб чиқариш-молия планларини бажаришларини таъминлайди; асосий фондлар ва оборот маблағларидан фойдаланилиши устидан контроль қилиб боради, мазкур корхона ва ташкилотларнинг молиявий-хўжалик фаолияти якунларини, олинган фойдани белгиланган тартибда тақсимлашни тасдиқлайди;

3) область қарамоғидаги корхоналар ва ташкилотлар учун маиший хизмат кўрсатиш планларини тасдиқлайди, шунингдек иттифоқ ва республика қарамоғидаги корхоналар ҳамда ташкилотлар аҳолига маиший хизмат кўрсатишлари юзасидан белгиланган тартибда тегишли топшириқларни тасдиқлайди;

4) юқори идорага бўйсунувчи маиший хизмат корхоналари ва ташкилотлари ишини мувофиқлаштириб ҳамда контроль қилиб боради;

5) аҳолининг маиший хизматга бўлган талаб-эҳтиёжларини янада тўлароқ қондиришни таъминлайди, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва йириклаштириш, маиший хизмат турларини жорий этиш ва кенгайтириш, ишларни бажариш сифатини яхшилаш ва аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш чораларини кўради; маиший хизмат корхоналарининг иш тартибини контроль қилиб боради;

6) маиший хизмат корхоналари шохобчаларини ривожлантириш ва уларнинг техника даражасини ошириш учун корхоналар, колхозлар ва совхозларнинг имкониятларидан фойдаланишга кўмаклашади.

26-модда. **Халқ маорифи ва фан соҳасидаги ваколатлар**

Халқ депутатлари область Совети:

1) халқ маорифи, мактабгача ва мактабдан ташқари тарбия ишларига, шунингдек мактаб-интернатлар, болалар уйлари, махсус мактаблардаги болалар ва ўсмирларнинг тарбияси ишига раҳбарлик қилади; ёшларнинг умумий мажбурий ўрта таълим олишини таъминлайди; мактабнинг ишлаб чиқариш билан боғланишини мустаҳкамлаш, меҳнат таълимини, мактаб ўқувчиларининг тарбияси ва касб танлашини яхшилаш чораларини кўради; мактаб ёшидаги болаларни ҳисобга олиш ишини ташкил этади;

2) мактаб тармоқларини ривожлантиришни, умумий таълим мактабларининг тўғри жойлаштиришини, ўқувчиларнинг меҳнат таълими олиши ва тарбияси учун корхоналар, ташкилотлар, колхозлар ва совхозларнинг, шунингдек мактабларароқ ўқувишлаб чиқариш комбинатларининг, ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари ва мактаб ўқувчиларининг бошқа меҳнат бирлашмаларининг ўқув цехлари ҳамда участкаларидан фойдаланишини таъминлайди; кечки (сменали) ва сиртқи ўрта умумий таълим мактаблари ишини яхшилаш чораларини кўради; корхоналар, ташкилотлар, колхозлар ва совхозлар ишловчи ёшларни ўқишга тортиш юзасидан ҳамда ўқувчиларга ишни ўқиш билан муваффақиятли қўшиб олиб бориш учун шароит яратиб бериш юзасидан олиб бораётган ишларни ҳамда уларга белгиланган имтиёзлар берилишини контроль қилиб боради;

3) мактабгача ва мактабдан ташқари тарбия болалар муассасалари тармоқларини ривожлантиришни таъминлайди; зарур ҳолларда мактабгача ёшдаги тарбия муассасаларида областнинг иқтисодий ва социал ривожлантириш планида белгиланганидан ортиқча болалар контингенти бўлишини таъминлайди, бунинг учун область бюджети ҳисобидан қўшимча харажатларга пул маблағлари ажратади;

4) кимга қарашли бўлишидан қатъи назар, умумий таълим мактаблари, болалар муассасалари ва мактабдан ташқари муассасаларнинг ишларини, умумий таълим фонди тўғри тузилиши ва ундан тўғри фойдаланилишини контроль қилиб боради;

5) мактаблар, мактаб-интернатлар, болалар уйлари, мактабгача ва мактабдан ташқари тарбия болалар муассасаларининг ўқув-моддий базасини, шунингдек мактаб ўқувчиларининг меҳнат таълими ва тарбияси моддий базасини мустаҳкамлашни таъминлайди;

6) умумий таълим мактаблари ўқувчиларини мактаб дарсликлари билан текин таъминлаш чораларини кўради;

7) қишлоқ жойлардаги ўқувчиларни мактабга ва мактабдан текин элтиб қўйишни, шунингдек ўқувчиларни меҳнат машғулотлари ўтказиладиган жойга транспортда белгилаб олиб бориб қўйишни таъминлайди;

8) васийлик ва ҳомийлик органлари ишини йўналтириб туради;

9) фанни ривожлантиришга, область территориясида жойлашган олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, шунингдек ҳунар-техника ўқув юртлари ишига ёрдамлашиб боради.

27-модда. **Маданий-оқартув ишлари ва санъат соҳасидаги ваколатлар**

Халқ депутатлари область Совети:

1) маданий-оқартув ишларига, область қарамоғидаги маданий-оқартув ташкилотлари ва муассасаларига, санъат ташкилотлари ва муассасаларига раҳбарлик қилади: ғоявий-сиёсий, меҳнат, ахлоқий ва эстетик тарбия соҳасида маданий-оқартув ва санъат муассасаларининг ролини ошириши таъминлайди, уларнинг моддий-моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирларини амалга оширади;

2) кимга бўйсунишидан қатъи назар маданий-оқартув ташкилотлари ва муассасалари, санъат ташкилотлари ва муассасаларининг фаолиятини мувофиқлаштириб ҳамда контроль қилиб боради;

3) областда маданият ва санъат муассасаларининг тармоқларини ривожлантириш, маданий хизмат кўрсатиш системасини такомиллаштириш, қишлоқ маданий комплексларини ташкил қилиш юзасидан комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқади ва уларни амалга оширади;

4) телевидение ва радио эшиттиришни ривожлантириш ишига раҳбарлик қилади: аҳолига кино хизмати кўрсатишни уюштиради; театр, музика, хореография, тасвирий санъат ва санъатнинг бошқа турларини, халқ ижодиётини ва бадиий ҳаваскорликни ривожлантириш чораларини кўради; маданият ва санъат соҳасида фестиваллар, декадалар, конкурслар, кўриклар, кўргазмалар ва бошқа тадбирлар ўтказилишини ташкил этади;

5) совет гражданлик маросимларини турмушга сингдириш ишини йўлга солиб туради;

6) тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш ва улардан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви ва давлат контролини амалга оширади;

7) нашриётчилик ишига, полиграфия ишлаб чиқаришига, область қарамоғидаги китоб савдоси корхоналари ва ташкилотларига раҳбарлик қилади;

8) ижодий союзлар ва ташкилотлар, «Билим» жамияти фаолиятига кўмаклашиб туради.

28-модда. **Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ваколатлар**

Халқ депутатлари область Совети:

1) областда соғлиқни сақлаш ишига, область қарамоғидаги соғлиқни сақлаш ташкилотлари ва муассасаларига раҳбарлик қилади; бу ташкилот ва муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирларини амалга оширади; соғлиқни сақлаш муассасалари тармоқларини ривожлантириш чораларини кўради; аҳолига медицина ёрдами кўрсатилишини таъминлайди;

2) юқори идорага бўйсунувчи соғлиқни сақлаш муассасалари иши устидан контроль олиб боради;

3) ҳамма корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг аҳоли соғлиғини сақлаш, аҳолининг санитария-эпидемиология жиҳатдан бехатарлигини таъминлаш, юқумли касалликларнинг олдини олиш соҳасидаги тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб ва контроль қилиб боради; тез тарқалувчи юқумли касалликлар пайдо бўлиш ёки тарқалиш хавфи туғилган тақдирда область территориясида белгиланган тартибда ана шу касалликларнинг тарқалиши олдини олишга ва уларни йўқотишга қаратилган махсус шароит ва меҳнат, ўқиш режими, бир жойдан иккинчи жойга бориш ва келиш ҳамда юк ташиш режими ўрнатади;

4) область аҳолисини ва даволаш профилактика муассасаларини дори-дармонлар ҳамда медицина буюмлари билан таъминлайди;

5) оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитларини яхшилаш, болалар ва ўсмирлар ўртасида соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш ишларини уюштиради;

6) ишлаб чиқариш, уй-жой ва жамоат биноларида, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларида шовқининг олдини олиш, уни камайтириш ва йўқотиш тадбирларини ўтказиш ишини мувофиқлаштириб ва контроль қилиб боради;

7) атроф-муҳитни соғломлаштириш, сув ҳавзалари, тупроқ ва атмосфера ҳавосини санитария жиҳатдан муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан давлат контролини олиб боради;

8) жойларни курорт деб эълон қилиш, курортларнинг санитария муҳофазаси округлари чегараларини ўрнатиш ва уларнинг режимини белгилаш масалаларини ҳал қилишда қатнашади.

9) меҳнаткашлар оммавий дам оладиган зоналарни ривожлантиришни таъминлайди, улардан фойдаланиш устидан контроль қилиб боради.

10) Қизил Ярим Ой жамиятининг область ташкилоти фаолиятини йўналтириб туради.

29-модда. **Физкультура ва спорт соҳасидаги ваколатлар**

Халқ депутатлари область Совети:

1) физкультура ва спорт ишларига раҳбарлик қилади;

2) спорт иншоотлари ва бинолари тармоғини ривожлантиришни ва уларнинг область территориясида жойлаштирилишини таъминлайди; аҳоли учун физкультура соғломлаштириш ишлари марказларини ташкил этади, физкультура ва спорт билан шуғулланиш учун моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чораларини кўради;

3) областда спорт тадбирларини ўтказишни ташкил қилади;

4) область кўнгилли спорт жамиятлари ташкилотлари фаолиятини йўналтириб туради.

30-модда. **Меҳнат, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ваколатлар**

Халқ депутатлари область Совети:

1) область территориясида меҳнат ресурсларининг олинишини таъминлайди ва уларнинг тақсимланишини ҳисобга тартибга солиб туради, улардан оқилона фойдаланиш, шунингдек ишга жойлаштириш системасини ривожлантириш чораларини кўради, аҳолини корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ишчилар ва хизматчиларга эҳтиёжи борлиги ҳақида хабардор қилиб туришни уюштиради; область территориясида жойлашган корхоналар ва ташкилотларда ишчи ва хизматчилар сони меҳнат планларига мувофиқ бўлиши, кадрлар қўнимсизлигини камайтириш юзасидан чоралар кўрилиши устидан контроль олиб боради;

2) кимга бўйсунишидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда меҳнат қонунларига, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси қоидаларига, ишлаб чиқариш санитарияси қоидаларига риоя этилиши устидан контроль ташкил этади;

3) министрликлар, давлат комитетлари ва идоралар билан биргаликда корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларни ишчи кучи билан таъминлаш планларини ишлаб чиқишда қатнашади;

4) ишчиларни ташкилий равишда ишга қабул қилиш, бошқа жойдаги ишга кўчириш, ўрта умумий таълим мактабларини тамомлаётган ёшларни ишга жойлаштириш планларини, кимга бўйсунишидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга топшириқлар белгилаш йўли билан тасдиқлайди; бу планларнинг бажарилишини контроль қилиб боради; корхоналар ва ташкилотлар ташкилий равишда ишга қабул қилинган, бошқа жойдаги ишга кўчирилган ишчиларга, шунингдек ёшларга зарур ишлаб чиқариш, уй-жой, маиший, социал-маданий шароитлар яратиб бериш юзасидан қабул қилган мажбуриятларини қандай бажараётганликларини ҳамда мазкур шахсларга қонунларда белгиланган имтиёзлар берилишини контроль қилиб туради;

5) касаба союз органлари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан бирга область территориясида социалистик мусобақани ривожлантириш чораларини кўради;

6) область қарамоғидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ишчилар ҳамда хизматчиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш ишига раҳбарлик қилади, юқори идорага бўйсунувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда бу иш қандай йўлга қўйилганлигини контроль қилиб боради;

7) халқ маорифи, маданият, соғлиқни сақлаш ва социал таъминот ходимларига зарур меҳнат ва турмуш шароитлари яратиб бериш ишини ташкил этади, бу ходимларни зарур уй-жой-маиший шароит билан таъминлаш ва уларга қонунларда кўзда тутилган имтиёз ҳамда афзалликлар бериш устидан контроль олиб боради;

8) ихтирочилик ва рационализаторлик ишини ривожлантириш, ишлаб чиқаришга ихтиролар ва рационализаторлик таклифларини жорий этиш чораларини кўради; область ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти ташкилотлари, илмий-техника жамиятлари ишига ва меҳнаткашларнинг ишлаб чиқариш активлигини оширувчи бошқа формалар ривожлантирилишига кўмаклашади.

31-модда. **Социал таъминот соҳасидаги ваколатлар**

Халқ депутатлари область Совети:

1) социал таъминот ишларига, область қарамоғидаги социал таъминот муассасалари ва ташкилотларига раҳбарлик қилади;

2) область территориясида жойлашган бўлиб, юқори идорага бўйсунувчи социал таъминот муассасалари ва ташкилотларининг ишларини контроль қилиб туради;

3) маҳаллий аҳамиятга молик шахсий пенсиялар тайинлайди, қонунларда кўзда тутилган тартибда республика ва иттифоқ аҳамиятига молик шахсий пенсиялар тайинлаш тўғрисида илтимосномалар киритади;

4) колхозчиларнинг область социал таъминот кенгашини тузади ва унинг фаолиятини контроль қилиб боради;

5) инвалидлар ва пенсионерларни ишга жойлаштириш ҳамда уларга моддий-маиший хизмат кўрсатишни, шунингдек ҳарбий хизматчилар, ҳалок бўлган жангчилар ва партизанларнинг оила аъзоларини ишга жойлаштиришни ташкил этади, инвалидлар ва пенсионерлар меҳнатидан фойдаланиш мумкин бўлган ишлаб чиқаришлар, цехлар ва участкалар ташкил қилишни таъминлайди;

6) гражданларни социал таъминот муассасаларига жойлаштириш масалаларини ҳал қилади; социал таъминот муассасалари тармоғини ривожлантириш ва бу муассасаларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш тадбирларини амалга оширади; социал таъминот муассасаларидаги гражданларга хизмат кўрсатишни яхшилаш чораларини кўради;

7) врачлик-меҳнат экспертизаси органлари ишига раҳбарлик қилади;

8) область кўрлар ва карлар жамиятлари ташкилотларининг фаолиятини йўналтириб ва контроль қилиб боради; бу жамиятларнинг ўқув-ишлаб чиқариш ва бошқа корхоналарини ривожлантиришда ёрдам кўрсатади.

32-модда. **Социалистик қонунчиликни таъминлаш, давлат ва жамоат тартибини сақлаш, гражданларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, халқ контролини амалга ошириш соҳасидаги ваколатлар**

Халқ депутатлари область Совети:

1) ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонунларига, давлат ҳокимияти ва бошқарувининг юқори органлари чиқарган бошқа актларга риоя қилинишини, давлат ва жамоат тартиби сақланишини, социалистик мулк қўриқланишини, гражданлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари, ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди;

2) ҳуқуқий ишларни такомиллаштириш чораларини кўради, область қарамоғидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг бу соҳадаги ишларига раҳбарлик қилади, аҳолига қонунларни тушунтиришни ва юридик ёрдам кўрсатишни уюштиради;

3) ҳуқуқбузарлик ҳолларининг олдини олиш чораларини кўради, ўз территориясида қонунчиликка риоя этилиш ҳолатини мунтазам таҳлил қилиб боради;

4) зарур ҳолларда область Советига бўйсунувчи бошқарув органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг чиқарган актларини бекор қилади;

5) юқори идорага бўйсунувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг ердан, сувдан фойдаланиш, атроф муҳитни кўриклаш, қурилиш, уй-жой ва коммунал хўжалик, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, халқ истеъмоли товарлари ва маҳаллий қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, тарих ҳамда маданият ёдгорликларини сақлаш ва улардан фойдаланиш, аҳолига социал-маданий, савдо, маиший ва бошқа хил хизмат кўрсатиш масалалари юзасидан чиқарган, лекин қонунларга зид бўлган актлари ижросини тўхтатиб қўяди ва бу ҳақда тегишли юқори органларга маълум қилади;

6) гражданларнинг таклифлари, ариза ва шикоятлари ўз вақтида ҳамда тўғри кўриб чиқилиши ва ҳал этилишини таъминлайди, бу ишнинг область Совети ижроия комитети бўлимлари ва бошқармаларида, халқ депутатлари қуйи Советларида, область территориясида жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда қай аҳволда эканлигини текшириб туради, шу масалалар юзасидан уларнинг раҳбарлари ҳисоботларини тинглайди;

7) қонунларда кўзда тутилган ҳолларда ва тартибда, чиқарилган қарорларни бузганлик учун белгиланган доирада маъмурий жавобгарликка тортишни назарда тутувчи қарорлар қабул қилади;

8) область халқ контроли комитетини тузади ва унинг составини ўзгартиради; область халқ контроли комитети фаолиятига раҳбарлик қилади, унинг иши тўғрисидаги ҳисоботларни тинглайди; область халқ контроли комитетининг қарорлари қонунларга мувофиқ келмаган тақдирда, уларни бекор қилади;

9) область судини сайлайди ва унинг составини ўзгартиради; область судининг иши ҳақидаги ҳисоботларни тинглайди;

10) давлат арбитражи ва нотариатига раҳбарлик қилади; адвокатура устидан умумий раҳбарлик олиб боради; прокуратура органларининг ишида уларга кўмак беради;

11) ўз қарамоғидаги ички ишлар органларига раҳбарлик қилади; паспорт системаси қоидаларига риоя этилиши устидан контроль қилиб боришни таъминлайди;

12) область территориясида жойлашган ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари, даволаш-меҳнат профилакторийлари фаолияти устидан раҳбарлик қилишни таъминлайди, шу муассасалардаги шахсларни ахлоқан тузатиш ва қайта тарбиялаш ишини уюштириш ва ўтказишда уларга ёрдам кўрсатиб боради;

13) гражданлик ҳолати актларини ёзиш органлари ишига ва область архивига раҳбарлик қилади;

14) табиий офатларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатиш чоралари кўрилишини ташкил этади, зарур ҳолларда мазкур тадбирларни бажариш ишида қатнашиш учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни, шунингдек аҳолини жалб этади;

15) жамоат тартибини сақлаш кўнгилли халқ дружиналари, ўртоқлик судлари ва бошқа ташаббускор жамоат органларига раҳбарлик қилиш ишини мувофиқлаштириб боради;

16) область территориясида ёнғинга қарши кураш ишига раҳбарлик қилади; кўнгилли ўт ўчириш дружиналари фаолиятига раҳбарлик қилиш ишини мувофиқлаштириб боради;

17) дарёлар, кўллар, денгиз соҳили участкаларида, сув омборлари ва бошқа сув ҳавзаларида кишилар ҳаётини муҳофаза этиш ишига раҳбарлик қилади;

18) диний маросимлар тўғрисидаги қонунларга риоя этилишини контроль қилиб боради.

33-модда. **Мудофаа ишлари соҳасидаги ваколатлар**

Халқ депутатлари область Совети:

1) барча мансабдор шахслар ва гражданлар, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар область территориясида умумий ҳарбий мажбурият тўғрисидаги СССР Қонунини бажаришларини таъминлайди;

2) область территориясида граждан мудофааси ишига раҳбарлик қилади;

3) Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, СССР Қуролли Кучлари сафидан запаста чиқарилган ва ҳарбий хизмат вазифасини ўтаб қайтган гражданлар учун белгиланган имтиёз ва афзалликлар тўғрисидаги ҳамда ҳақиқий хизматга чақирилган гражданларнинг, ҳалок бўлган жангчилар ва партизанларнинг оилаларига имтиёз ва нафақалар бериш тўғрисидаги қонунларга риоя этилишини контроль қилиб боради;

4) СССР Қуролли Кучлари учун резервлар тайёрлашни таъминлаш ва бошқа мудофаа вазифаларини бажариш тадбирларини амалга оширади;

5) аҳолини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, жанговар анъаналарни пропаганда қилиш ишини ташкил этади, меҳнат коллективларининг ҳарбий қисмлар билан оталиқ алоқаларини ривожлантиради; кўнгилли мудофаа жамиятлари ишини йўналтириб ва контроль қилиб боради.

34-модда. **Сайлов ўтказиш соҳасидаги ваколатлар**

Халқ депутатлари область Совети область территориясида СССР Олий Советига, Ўзбекистон ССР Олий Советига, халқ депутатлари маҳаллий Советларига, шунингдек район (шаҳар) халқ судларига бўладиган сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш юзасидан зарур тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлайди.

35-модда. **Давлат мукофотлари билан мукофотлаш соҳасидаги ваколатлар**

Халқ депутатлари область Совети СССР орденлари ва медаллари билан мукофотлаш, СССР фахрий унвонлари бериш, шунингдек Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари билан мукофотлаш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқиб, шу ҳақда тақдимномалар киритади.

Область Совети СССР Олий Совети Президиуми ваколати билан ва унинг номидан СССР медаллари билан мукофотлашни ва бу мукофотларни топшириши амалга оширади.

36-модда. **Область Советининг бошқа ваколатлари**

Халқ депутатлари область Совети ушбу Қонунда назарда тутилган ваколатлардан ташқари, ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонунларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 3 ва 4-бетларда)

III БОБ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИШИНИНГ УЮШТИРИЛИШИ

1. Халқ депутатлари область Советининг сессияси.

37-модда. **Сессия чақириш ва унинг иш тартиби.**

Халқ депутатлари область Советининг сессияси область Совети ижроия комитети томонидан йилига уч ойда камида бир марта чақирилади.

Область Советининг сессияси область Совети депутатларининг камида учдан бир қисми таклифига биноан ҳам чақирилиши мумкин.

Янги сайланган область Советининг биринчи сессияси илгариқ чақириқ область Совети ижроия комитети томонидан сайловдан сўнг уч ҳафталик муддатдан кечиктирмай чақирилади ва энг кекса депутатлардан бири томонидан очилади. Область Советининг кейинги сессиялари Совет ижроия комитетининг раиси томонидан очилади.

Янги тузилган областда область Советининг биринчи сессияси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан мазкур область тузилган кундан бошлаб уч ҳафталик муддатдан кечиктирмай чақирилади, янги тузилган областда Совета сайлов ўтказилган тақдирда эса — область Советига сайлов бўлиб ўтган кундан бошлаб уч ҳафталик муддатдан кечиктирмай чақирилади.

Халқ депутатлари область Совети сессиясини чақириш вақти, уни ўтказиш жойи, шунингдек Совет муҳокамасига киритилаётган масалалар ҳақида область Советининг ижроия комитети сессия очилишига камида икки ҳафта қолганида депутатларга маълум қилади ва шу ҳақда аҳолини хабардор қилиб қўяди.

Совет муҳокамасига киритиладиган масалалар юзасидан область Советининг ижроия комитети депутатларга зарур материаллар тақдим этади.

Область Советининг сессияси унда область Совети жами депутатларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирдагина ҳақиқий деб ҳисобланади.

Область Совети сессиясини олиб бориш учун депутатлар орасидан сессия раиси ва секретарини сайлайди.

Область Советининг мажлислари очиқ бўлади. Бу мажлисларда СССР Олий Совети, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари, шунингдек қўйи Советларнинг сессияга таклиф қилинган депутатлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг, меҳнаткашлар жамиятлари ва коллективларининг вакиллари маслаҳат бериш ҳуқуқи билан қатнашишлари мумкин.

38-модда. **Сессия муҳокамасига масалалар киритиш**

Халқ депутатлари область Советининг муҳокамасига масалаларни область Совети ижроия комитети, Советнинг доимий комиссиялари ва депутатлари киритадилар.

Область Совети сессияси кун тартибига областнинг жамоат ташкилотлари органлари, шунингдек халқ депутатлари район, шаҳар (областга бўйсунувчи шаҳарлар) Советлари таклиф киритишлари мумкин.

Ў ёки бу масалани сессия кун тартибига киритиш Советнинг сессияда қатнашаётган депутатлари кўпчилик овози билан қабул қилинган қарори асосида бажарилади.

39-модда. **Сессияларда ҳал қилинадиган масалалар**

Халқ депутатлари область Совети ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонунларига биноан ўз ихтиёрига берилган ҳар қандай масалани сессияларда кўриб чиқиш ва ҳал қилиш ҳуқуқига эгадир.

Қуйидаги масалалар фақат сессияларда ҳал этилади:

1) депутатларнинг ваколатларини тўғри деб топиш; қонунларда кўзда тутилган ҳолларда депутатлар ваколатини муддатидан илгари тўхтатиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

2) область Совети ижроия комитетини сайлаш ва унинг составини ўзгартириш; область Советининг доимий комиссияларини тузиш, сайлаш ва уларнинг составини ўзгартириш;

3) ижроия комитет ва доимий комиссияларнинг иши тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқиш;

4) депутатларнинг ўз депутатлик вазифаларини, Совет ва унинг органлари чиқарган қарорлар ва берган топшириқларни қандай бажараётганликлари ҳақидаги ахборотларини тинглаш;

5) ижроия комитетнинг бўлимлари ва бошқармаларини тузиш, уларнинг раҳбарларини тасдиқлаш ва вазифасидан озод қилиш;

6) область халқ контроли комитетини тузиш ва унинг составини ўзгартириш; область халқ контроли комитетининг иши тўғрисидаги ҳисоботни тинглаш; область халқ контроли комитетининг қарорлари қонунларга мувофиқ келмаган тақдирда уларни бекор қилиш;

7) ижроия комитет ҳузурида қонунларда назарда тутилган комиссияларни тузиш;

8) область судини сайлаш ва унинг составини ўзгартириш; область судининг иши тўғрисидаги ҳисоботни тинглаш;

9) область Совети ижроия комитетининг ва ижроком бўлимлари ҳамда бошқармаларининг структураси ва штатларини тасдиқлаш;

10) областни иқтисодий ва социал ривожлантириш жорий ҳамда перспектив планларини, шунингдек область бюджетини тасдиқлаш;

11) областни иқтисодий ва социал ривожлантириш жорий ҳамда перспектив планлари бажарилиши ва область бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлаш;

12) сайловчиларнинг наказларини бажариш тадбирлари планини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

13) депутатларнинг сўровларини кўриб чиқиш ва бу сўровлар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

14) ижроия комитетнинг область бюджетини бажариш вақтида олинган қўшимча даромадларни, шунингдек даромадларнинг ошириб бажарилиши ёки харажатларнинг тежалиши натижасида йил охирига келиб даромадларнинг харажатлардан ортиқ бўлган суммасини сарфлаш тўғрисидаги қарорларини тасдиқлаш;

15) область бюджети маблағларини хўжалик тармоқлари, ижроия комитетнинг бўлимлари ва бошқармалари ўртасида уларни бекор қилиш;

16) область Совети ижроия комитетининг қарорлари ва фармойишларини бекор қилиш, қуйи Советларнинг қарорлари қонунларга мувофиқ келмаган тақдирда уларни бекор қилиш.

40-модда. **Область Советининг қарорлари**

Халқ депутатлари область Совети ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонунлари бўйича ўзига берилган ваколатлар доирасида қарорлар қабул қилади, уларнинг ижро этилишини таъминлайди, қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилиши устидан контроль олиб боради. Область Советининг қарорларини Совет территориясида жойлашган барча корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шунингдек мансабдор шахслар ва гражданлар бажаришлари мажбурийдир.

Область Советининг қарорлари область Совети жами депутатларининг кўпчилиги берган очиқ овоз билан қабул қилинади ва Совет ижроия комитетининг раиси ҳамда секретари томонидан имзоланади. Ижроия комитет составини сайлаш ёки ўзгартириш тўғрисидаги қарорлар Совет сессиясининг раиси ва секретари томонидан имзоланади.

Область Советининг қарорлари Совет ижроия комитети томонидан тегишли ташкилотлар, мансабдор шахслар ва гражданларга ўн кунлик муддатдан кечиктирмай маълум қилинади.

Область Советининг қарорларида область территориясида жойлашган ва юқори идорага бўйсунувчи корхоналар, муассасалар, ташкилотлар номига билдирилган таклифлар ва тавсиялар шу ташкилотларнинг раҳбарлари томонидан кўриб чиқилиши ва кўриб чиқиш натижалари икки ҳафталик муддатдан кечиктирмай Советга ёки унинг ижроия комитетига маълум қилиниши лозим.

Область Совети ва унинг ижроия комитети ўзлари чиқарган қарорлар юқори идорага бўйсунувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари томонидан бажарилмаган тақдирда, ана шу раҳбарларга нисбатан эгаллаб турган вазифасидан озод қилишга қадар интизомий жазо чораларини қўлланиш тўғрисидаги тақдимнома билан тегишли юқори органларга мурожаат этадилар. Тақдимномаларни кўриб чиқиш натижалари бир ойлик муддатдан кечиктирмай область Совети ёки унинг ижроия комитетига маълум қилиниши лозим.

Область Советининг қарори қонунга мувофиқ келмаган ҳолда у Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан бекор қилиниши мумкин.

41-модда. **Совет сессиялари тўғрисида ахборот бериш**

Халқ депутатлари область Советининг сессиялари тўғрисидаги информацион ахборотлар, давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилиш масалалари хусусидаги қарорлар матбуотда эълон этилади, радио ва телевидение орқали эшитирилади, шунингдек оммавий ахборотнинг бошқа воситалари орқали аҳолига маълум қилинади.

2. Халқ депутатлари область Советининг ижроия комитети

42-модда. **Область Советининг ижроия комитети — область Советининг ижро этувчи ва бошқарувчи органи**

Халқ депутатлари область Советининг ижро этувчи ва бошқарувчи органи — шу Совет томонидан депутатлар орасидан раис, раиснинг биринчи ўринбосари, раис ўринбосарлари, секретарь ва аъзолардан иборат составда сайланадиган ижроия комитетдир. Область Совети ижроия комитетининг сон состави область Совети томонидан белгиланади.

Ижроия комитет уни сайлаган Советга ҳам, Ўзбекистон ССР Министрлар Советига ҳам бевосита ҳисоб бериб туради.

Ижроия комитет область Совети олдида, шунингдек меҳнат коллективлари йиғилишларида ва гражданларнинг турар жойларида чақириладиган йиғилишларда ўз ишидан йилига камида бир марта ҳисоб бериб боради.

43-модда. **Ижроия комитетнинг асосий ваколатлари**

Халқ депутатлари область Советининг ижроия комитети уни сайлаган Совет ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарувининг юқори органлари чиқарган қарорлар асосида Совет территориясида давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилишга раҳбарлик қилади.

Ижроия комитет Совет ихтиёрига берилган барча масалаларни ҳал этишга ҳақли, фақат Совет сессияларида ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар бундан мустаснодир.

Ижроия комитет:

— Совет сессияларини чақиради ва уларга тайёргарлик кўришни таъминлайди; Совет энг муҳим масалалар юзасидан қабул қиладиган қарорлар лойиҳаларининг меҳнат коллективлари йиғилишларида ва гражданларнинг турар жойларида чақириладиган йиғилишларда олдиндан муҳокама қилиб чиқилишини уюштиради;

— Совет доимий комиссияларининг ишларини мувофиқлаштириб боради, Совет сессиялари ва ижроия комитети мажлисларида муҳокама этиладиган масалаларни тайёрлашда доимий комиссияларга ёрдам беради, комиссиялар киритган таклифларни кўриб чиқади;

— депутатларга ўз ваколатларини амалга оширишда, сайловчилар олдида ҳисоб беришга тайёрланиш ва уни ўтказишда, шунингдек уларни депутатликка номзод қилиб кўрсатган коллективлар ва жамоат ташкилотлари олдида ҳисоб бериш ва уни ўтказишда ёрдам кўрсатади, депутатларни Совет ва унинг органлари фаолиятидан, областни иқтисодий ва социал ривожлантириш планлари ҳақидаги, депутатлар баён қилган танқидий мулоҳазалар ва киритган таклифлар юзасидан кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида хабардор қилиб туради, депутатлар совет қонунларини ва Советларнинг иш тажрибасини ўрганишларига ёрдам беради;

— областни иқтисодий ва социал ривожлантириш жорий ҳамда перспектив планларини, шунингдек область бюджетини ишлаб чиқади ва уларни область Совети муҳокамасига киритади; бу планлар ва бюджетнинг амалга оширилиши чораларини кўради; планларнинг бажарилиши ва бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни область Советига тақдим этади;

— Совет ва юқори давлат органлари чиқарган қарорларнинг бажарилишини ташкил этади, сайловчиларнинг наказларини бажариш тадбирлари планини Совет муҳокамасига тақдим этади ва бу наказларнинг бажарилишини уюштиради, депутатлар ва аҳолини уларнинг амалга оширилишидан хабардор қилиб туради.

44-модда. **Область Совети ижроия комитетининг бўлимлар ва бошқармаларга раҳбарлик қилиши. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан бўладиган ўзаро муносабатлар**

Халқ депутатлари область Советининг ижроия комитети ижроком бўлимлари ва бошқармаларига, область қарамоғидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга раҳбарлик қилади; Советнинг сессиялари ўртасидаги даврда (давлат бошқарувининг тегишли юқори органи билан келишиб туриб) ижроия комитет бўлимлари ва бошқармалари раҳбарларини ўз вазифаларини ижро этиш учун тайинлайди ва лавозимини бажаришдан озод қилади, кейинчалик эса буни Советнинг навбатдаги сессияси тасдиғига киритади; ижроия комитет бўлимлари ва бошқармаларининг бошқа раҳбар ходимларини, область қарамоғидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларини (давлат бошқарувининг юқори органи билан келишиб олган ҳолда область Совети ижроия комитети томонидан тасдиқланадиган лавозимлар рўйхатига биноан) тайинлайди ва вазифасидан озод қилади.

Область территориясида жойлашган ва аҳолига хизмат кўрсатиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган, юқори идорага бўйсунувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларини тайинлаш ва вазифасидан озод қилиш фақат халқ депутатлари область Советининг ижроия комитети билан келишиб туриб амалга оширилади. Бундай корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг рўйхати шу корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар қарашли бўлган органлар билан келишилган ҳолда область Советининг ижроия комитети томонидан белгилаб қўйилади.

Область Советининг ижроия комитети ўз бўлимлари ва бошқармалари ихтиёрига берилган масалаларни кўриб чиқиш учун қабул қилиши мумкин.

45-модда. **Ижроия комитетнинг мажлислари**

Халқ депутатлари область Советининг ижроия комитети масалаларни ойида икки марта чақириладиган ўз мажлисларида кўриб чиқади ва ҳал қилади.

Область Совети ижроия комитетининг мажлислари Совет ижроия комитети умумий составининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда ҳақиқий деб ҳисобланади.

Область Совети ижроия комитетининг мажлисларида область Совети доимий комиссияларининг вакиллари ва депутатлари, бўлимлар ва бошқармаларнинг ижроия комитети составига кирмаган раҳбарлари, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат ташкилотларининг мазкур мажлиса таклиф қилинган вакиллари маслаҳат бериш ҳуқуқи билан қатнашишлари мумкин.

46-модда. **Ижроия комитетнинг президиуми**

Хўжалик ва социал-маданий қурилишни бошқаришнинг кундалик масалаларини оператив тарзда ҳал қилиш учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг рухсати билан аҳолиси бир ярим миллиондан кўпроқ бўлган областларда халқ депутатлари область Совети ижроия комитетининг президиуми тузилиши мумкин.

Область Совети ижроия комитетининг президиуми ижроия комитетнинг раиси, раиснинг биринчи ўринбосари, раис ўринбосарлари ва секретаридан иборат составда тузилади. Президиум қабул қилган қарорлар хусусида область Советининг ижроия комитетига хабар бериб турилади.

47-модда. **Ижроия комитетнинг қарорлари ва фармойишлари**

Халқ депутатлари область Советининг ижроия комитети ўз компетенцияси доирасида қарорлар қабул қилади ва фармойишлар чиқаради.

Область Совети ижроия комитетининг қарорлари ижроком умумий составининг кўпчилик овози билан қабул қилинади ҳамда ижроия комитетнинг раиси ва секретари томонидан имзоланади.

Область Совети ижроия комитетининг фармойишлари Совет ижроия комитетининг раиси томонидан имзоланади, раис йўқ бўлган тақдирда эса — раиснинг биринчи ўринбосари томонидан имзоланади.

Область Советининг ижроия комитети халқ депутатлари қуйи Советлари ижроия комитетларининг қарорлари ва фармойишларини бекор қилиш ҳуқуқига эгадир.

Область Совети ижроия комитетининг қарорлари ва фармойишлари область Совети, шунингдек ўз компетенцияси доирасида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети бекор қилишга ҳақлидир.

48-модда. **Ижроия комитетнинг ваколат муддати**

Халқ депутатлари область Советининг ваколати тугагач, унинг ижроия комитети янги чақириқдаги халқ депутатлари область Совети янги ижроия комитетини сайлагунга қадар ўз ваколатларини сақлаб қолади.

49-модда. **Ижроия комитетнинг структураси ва штатлари**

Халқ депутатлари область Совети ижроия комитетининг, унинг бўлимлари ва бошқармаларининг структураси ва штатлари Ўзбекистон ССРда қабул қилинган нормативларга ва шу ижроия комитет учун давлат бошқаруви органлари аппаратининг сони юзасидан белгиланган миқдорга ҳамда бу аппаратни таъминлаш учун ажратиладиган маблағларга асосланиб белгиланади. Штатлар мансаб окладлари схемаси ўртача ставкалари бўйича ҳисоблаб чиқилган иш ҳақи фонди доирасида ҳамда мансаб окладлари схемасига риоя этилган ҳолда белгиланади.

50-модда. **Ижроия комитет ҳузуридаги комиссиялар**

Халқ депутатлари область Советининг ижроия комитети область Совети томонидан ижроия комитет ҳузурида тузиладиган комиссиялар фаолиятига раҳбарлик қилади ва уни контроль қилиб боради. Бу комиссияларнинг компетенцияси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми тасдиқлаган қоидалар билан белгиланади.

Область Советининг ижроия комитети ўз фаолиятига оид масалалар юзасидан бошқа комиссиялар ҳам тузиши мумкинки, уларнинг вазифалари мазкур комиссияларни тузиш тўғрида белгилаб қўйилади.

3. Халқ депутатлари область Советининг доимий комиссиялари

51-модда. **Доимий комиссияларнинг тузилиши ва ҳисоб бериб туриши**

Халқ депутатлари область Совети Совет ихтиёрига берилган масалаларни олдиндан кўриб чиқиш ва тайёрлаш учун, шунингдек Совет ва юқори давлат органлари қарорларини амалга оширишга ёрдамлашиш, давлат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фаолияти устидан контроллик қилиб бориш учун депутатлар орасидан доимий комиссиялар сайлайди.

Область Совети Мандат комиссиясини, План-бюджет комиссиясини, Социалистик қонунчилик ва жамоат тартибини сақлаш комиссиясини, шунингдек давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилишнинг бошқа масалалари бўйича доимий комиссияларни тузади.

Доимий комиссиялар халқ депутатлари область Совети томонидан шу Советнинг ваколат муддатига комиссия раиси, раиснинг ўринбосари, комиссия секретари ва аъзоларидан иборат составда сайланади. Ҳар бир комиссиянинг сон состави область Совети томонидан белгиланади.

Доимий комиссиялар составига область Советининг ижроия комитети, область халқ контроли комитети, область суди составига кирувчи депутатлар ва область прокурори сайланиши мумкин эмас. Доимий комиссиялар уларни сайлаган Совет олдида жавобгар бўлиб, унга ҳисоб бериб борадилар.

52-модда. **Доимий комиссияларнинг давлат ва жамоат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан ўзаро муносабатлари. Комиссияларнинг тавсиялари**

Халқ депутатлари область Советининг доимий комиссиялари ўз ихтиёрига берилган масалалар юзасидан Совет ижроия комитети бўлимлари ва бошқармаларининг раҳбарлари, область территориясида жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари докладларини эшитишга ҳақлидирлар.

Доимий комиссиялар ўз ихтиёрига берилган масалалар юзасидан давлат ва жамоат органларидан ҳамда ташкилотларидан, мансабдор шахслардан ҳужжатлар, ёзма ҳулосалар ва бошқа материаллар талаб қилиб олишга ҳақлидирлар.

Совет доимий комиссияларининг тавсиялари тегишли давлат ва жамоат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг кўриб чиқиши учун мажбуриийдир. Кўриб чиқиш натижалари ёки кўрилган чоралар ҳақида кўпи билан бир ойлик муддат ичида ёки комиссиялар белгилаган бошқа муддатда шу комиссияларга маълум қилиниши лозим.

53-модда. **Доимий комиссиялар кўриб чиқадиган масалалар**

Халқ депутатлари область Советининг доимий комиссиялари кўриб чиқадиган масалалар, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, тузилиш ва фаолият тартиби СССР Конституциясига, Ўзбекистон ССР Конституциясига, ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг бошқа қонунларига, ушбу Қонунга, шунингдек Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларининг доимий комиссиялари тўғрисидаги Низомга асосан белгилаб қўйилади.

54-модда. **Муваққат комиссиялар**

Халқ депутатлари область Совети муваққат комиссиялар тузиши мумкин. Муваққат комиссияларнинг вазифалари область Совети томонидан уларни тузиш чоғида белгиланади.

4. Халқ депутатлари область Советининг депутати

55-модда. **Совет томонидан давлат ҳокимиятини амалга оширишда депутатларнинг иштироки**

Халқ депутатлари область Совети ўз ваколатларини унинг ишида Советнинг ҳар бир депутати актив иштирок этиши асосида амалга оширади.

Депутатлар Совет ишларида қатнашиш билан давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилиш масалаларини ҳал этадилар. Совет қарорларини амалга оширишни ташкил этадилар, давлат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ишлари устидан контроль қилиб борадилар.

Депутат ўз ваколатларини ишлаб чиқариш ёки хизмат фаолиятидан ажралмаган ҳолда амалга оширади.

Область Советининг депутати Совет сессияси, составига сайланган ижроия комитети ва доимий комиссия мажлислари вақтида, шунингдек Совет ва унинг ижроия комитети топшириқларини бажариш учун доимий ишлайдиган жойидаги ўртача иш ҳақи сақлаб қолинганлиги ҳолда ўз ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифасидан озод этиб қўйилади.

56-модда. **Депутатнинг сессияларда ва Совет органлари ишида қатнашиши**

Депутат Советнинг ҳар бир сессиясида иштирок этиши ва унинг ишида актив қатнашиши шарт.

Депутат Совет томонидан сессияда кўриб чиқиладиган барча масалалар хусусида ҳал қилувчи овоздан фойдаланади, Совет органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадир.

Депутат Совет кўриб чиқиши учун масалалар таклиф қилишга, сессия кун тартибига ўз таклифларини киритишга, муҳокама этилаётган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ва уларнинг моҳияти юзасидан, Совет тузадиган органларнинг шахсий состави ва Совет сайлайдиган, тайинлайдиган ёки тасдиқлайдиган мансабдор шахсларнинг номзодлари хусусида таклифлар киритишга, сўров билан мурожаат қилишга, музокараларда чиқиб сўзлашга, саволлар беришга, қарорлар лойиҳаларини ва уларга тузатишлар киритишга, ўз таклифларини асослаб чиқиш ва овоз бериш сабабларини баён қилишга, маълумотлар беришга ҳақлидир.

Ижроия комитетга, область Советининг доимий комиссияларига ва бошқа органларига сайланган депутат мазкур органларнинг муҳокамасига масалалар киритишга ҳақлидир, у масалаларни кўриб чиқиш учун тайёрлашда, уларни муҳокама қилишда ва бу масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишида, шунингдек Совет ва унинг органлари қарорларини амалга оширишни ташкил этишда ва уларнинг бажарилиши устидан контроль қилиб боришда қатнашади.

57-модда. **Депутатлар сўрови**

Халқ депутатлари область Советининг депутати область Совети ихтиёрига берилган масалалар юзасидан ижроия комитетга, унинг бўлимлари ва бошқармалари раҳбарларига, шунингдек Совет территориясида жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига сўров билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

Сўров депутат ёки бир группа депутатлар томонидан ёзма ёхуд оғзаки тарзда берилиши мумкин. Ёзма тарзда берилган сўров Совет сессиясида ўқиб эшиттирилади. Сўров берилган давлат органи ёки мансабдор шахс СССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонунларида белгиланган муддатларда ва тартибда Совет сессиясида ана шу сўровга оғзаки ёки ёзма жавоб бериши шарт. Сўровга берилган жавоб юзасидан область Совети қарор қабул қилади.

58-модда. **Депутатларнинг таклифлари, мулоҳаза ва мурожаатларини кўриб чиқиш**

Депутатлар Совет сессияларида киритган таклифлар ва билдирган мулоҳазалар алоқадор бўлган давлат ва жамоат органлари, шунингдек мансабдор шахслар бу таклиф ва мулоҳазаларни белгиланган муддатларда кўриб чиқишлари ва натижаси ҳақида бевосита депутатнинг ўзига, шунингдек область Совети ижроия комитетига маълум қилишлари шарт.

Область Советининг депутати ўз депутатлик фаолияти масалалари хусусида барча давлат ва жамоат органларига, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга, шунингдек мансабдор шахсларга мурожаат қилишга ҳамда кўйилган масалаларни ҳал этишда қатнашишга ҳақлидир. Мазкур органлар ва мансабдор шахслар депутатнинг таклифларини кўриб чиқишлари ва белгиланган муддатларда жавоб беришлари шарт.

59-модда. **Депутатнинг сайловчилар билан алоқаси, унинг ҳисоб бериб туриши ва сайловчилар олдида жавобгарлиги**

Халқ депутатлари область Советининг депутати сайловчилар ҳамда уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган коллективлар ва жамоат ташкилотлари билан, шунингдек ўз сайлов округи территориясида жойлашган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, давлат ва жамоат органлари билан алоқа боғлаб туради.

Депутат сайловчилар олдида жавобгар бўлиб, уларга ҳисоб бериб боради.

Халқ депутатлари область Советининг депутати йилига камида икки марта ўз иши тўғрисида ва Советнинг ишлари ҳақида сайловчилар олдида ҳамда уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган коллективлар ва жамоат ташкилотлари олдида ҳисоб бериб туриши шарт.

Сайловчилар ишончини оқламаган ёки депутат деган юксак номга номуносиб хатти-ҳаракатлар қилган область Советининг депутати қонунда белгиланган тартибда сайловчилар кўпчилигининг қарори билан исталган вақтда чақириб олиниши мумкин.

60-модда. **Депутатлар ваколатларини белгилаб қўйиш**

Халқ депутатлари область Совети депутатининг ваколати ва уни амалга ошириш тартиби, шунингдек депутатлик фаолиятининг гарантиялари СССР Конституцияси, Ўзбекистон ССР Конституцияси, СССРда халқ депутатлари статуси тўғрисидаги Қонун, ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг бошқа қонун актлари, шунингдек ушбу Қонун билан белгиланади.

5. Халқ депутатлари область Совети ижроия комитетининг бўлимлари ва бошқармалари

61-модда. **Ижроком бўлимлари ва бошқармаларини тузиш**

Халқ депутатлари область Совети ижроия комитетининг бўлимлари ва бошқармалари область Совети томонидан тузилади ва ўз фаолиятида Советга ҳамда унинг ижроия комитетига, шунингдек давлат бошқарувининг тегишли олий органига бўйсунади.

Область Совети ижроия комитетининг бўлимлари ва бошқармалари ўз ишларидан Совет ва унинг ижроия комитети олдида, Ўзбекистон ССРнинг тегишли министрликлари, давлат комитетлари, идоралари олдида, шунингдек меҳнат коллективлари йиғилишлари ҳамда гражданларнинг турар жойларида чақириладиган йиғилишларда ҳисоб бериб борадилар. Ижроия комитет бўлимлари ва бошқармаларининг рўйхати ҳамда уларни тузиш тартиби ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонунлари билан белгиланади.

Ижроия комитетнинг бўлимлари ва бошқармалари бюджет ҳисобида ёки хўжалик ҳисобида бўлади.

Область Совети ижроия комитетининг бўлимлари ва бошқармалари тўғрисидаги низомлар Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан тасдиқланади.

62-модда. **Бўлимлар ва бошқармаларнинг асосий ваколатлари ва улар фаолиятининг принциплари**

Халқ депутатлари область Совети ижроия комитетининг бўлимлари ва бошқармалари область территориясида ўзларига топширилган давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилиш тармоқларига раҳбарлик қилиб борадилар.

Ижроия комитет бўлимлари ва бошқармаларининг фаолияти яккабошчилик билан коллегиалликни бирга қўшиб олиб бориш асосида амалга оширилади. Бўлимлар ва бошқармаларнинг раҳбарлари бўлим, бошқарма зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавобгардирлар. Бўлимлар ва бошқармаларда кенгаш тузилиши мумкин. Бу кенгашнинг составини область Советининг ижроия комитети томонидан тасдиқланади. Кенгашнинг қарорлари, одатда, бўлимлар ва бошқармалар раҳбарларининг бўйруқлари билан амалга оширилади.

Халқ депутатлари область Совети ижроия комитети бўлимлари ва бошқармаларининг раҳбарлари область Совети қарорлари, унинг ижроия комитети чиқарган қарорлар ва фармойишлар, шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқарувининг олий органлари чиқарган актлар асосида ва уларни ижро этиш юзасидан бўлимлар ва бошқармалар компетенцияси доирасида буйруқлар чиқарадилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

12 ноябрь, 1980 йил. Тошкент шаҳри.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидаги районлар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилди:

Булунғур райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Хидиров, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Исоқов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Холжигитов, райсельхозтехника бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Қурбонов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Сувонқулов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Абдураҳмонов; қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Жўрабоева;

Фрунзе райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Ҳамроқулов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Хўжаев, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Мардонов, райсельхозтехника, бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Мадвалиев, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Йўлдошев, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Раҳмонов, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Очилдиев;

Задарё райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Ҳолдоров, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Аширов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Муродов, райсельхозтехника бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Раҳмонов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Собиров, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Исоқов, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Бакиров;

Кегайли райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Қойлибоев, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Юсупов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Ойназаров, райсельхозтехника бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Боймуродов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Каипов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Аметов, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Отажонов;

Қува райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Шербўтаев, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Қодиралиев, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Тошматов, райсельхозтехника бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Ҳакимов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Холиқов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Исроилова, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Сулаймонов;

Олтинкўл райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Ҳожиқосимова, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Алимов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Максимов, райсельхозтехника бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Қурбонов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Абдуллаев, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Раҳимов, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Ҳамдамов;

Избоскан райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Ғозиев, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Мамажонов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Иброҳимов, райсельхозтехника бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Қамчиев, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Ҳамидуллин, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Шокирова, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Ғаффорова.

«КОСМОС-1221» ПАРВОЗДА

1980 йил 12 ноябрь куни Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-1221» учирилди.

Йўлдош ичига ўрнатилган илмий аппаратлар космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган. Аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координация-ҳисоблаш маркази олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

(ТАСС).

ЖАНГОВАР ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ҲАЕТИДАН

ЯГОНА МАҚСАД ЙЎЛИДА

Ҳарбий қурувчи оддий солдат Зафар Қодировга ўз юртига бориб келиш учун жавоб беришди. Унинг ҳарбий қийимида коммунистик меҳнат зарбдори ва жангчи спортчи нишонлари ярқираб турарди. Отпуска ҳалол ва зарбдор меҳнат эвазига берилган эди.

Илгор жангчи бошчилигидаги бригада аъзолари яқинда 110—115 процентлик маррани эгаллади. Улар ўз фаолиятларини қандай бошлаганликлари менинг хаёлимдан ўтади. Эсимда, дурадгорлик касбидан фақат уларнинг бригадири сержант Вольф хабардор эди. У қўл остидаги йигитларни қурувчилик мутахассислигининг сирлари билан яқиндан таништирди. Ҳозирги кунда бригада аъзоларининг ҳаммаси яхши мутахассис, ўз ишининг устаси. Уларнинг баъзилари қўшимча касбга ҳам эга.

Бригада аъзоларига коммунистик меҳнат зарбдори нишони ва гувоҳномаси топширилган кун улар учун энг қувончли кун бўлиб қолди. Зафар билан бирга ефрейтор Алимов, оддий солдатлардан Халилов, Бунин, Сафаровлар ҳам ушбу нишонга эга бўлган эдилар.

Шу кунларда бригада аъзолари КПСС XXVI съезди шарафига социалистик мусобақани авж олдирмоқдалар. Улар ана шу кунгача коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Улар меҳнатда юқори кўрсаткичларга эришиш билан бирга, ҳарбий билимларни эгаллашда ҳам бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Б. ЮСУПОВ.

ИЛҒОР СОЛДАТ

Илҳом Суяров ҳарбий хизматга Самарқанд область Нарпай район «Иттифоқ» колхозидан чақирилган. У колхозда механизатор бўлиб ишларди. Илҳом ўз касбини севарди.

Қурувчилар қисмида хизмат қилаётганидан дастлаб норози бўлиб юрди. Чунки, у Қора денгиз флотидаги замонавий ҳарбий қуролларни ўрганишни орзу қиларди. Кейинчалик қурувчилар қисмида хизмат қилиш ҳам шарафли иш эканлигини тушунди. У монтажчи-гишт терувчилик мутахассислигини қунт билан эгаллай бошлади. Прораб Юрий Маслов Илҳомга қурувчиликни ўргатди. Тез орада Илҳом 3-разрядли гишт терувчи-монтажчи бўлиб қолди. У ишлаб чиқариш нормаларини 120 процент адо эта бошлади. Ёш ҳарбий қурувчининг ишдаги муваффақиятлари командирлик томонидан ҳам инобатга олинди. У монтажчи-гишт терувчилар бригадири қилиб тайинланди. Энди у фақат ўзи учун эмас, ўз қўли остидагилар учун ҳам жавобгар. Унинг бригадасида 14 ҳарбий қурувчи меҳнат қилади.

Илҳом Суяров бригадада социалистик мусобақани ташкил этишга алоҳида эътибор берди. Шу кунларда бригада аъзолари КПСС XXVI съезди очиладиган кунгача коммунистик меҳнат бригадаси деган юксак номни олиш учун астойдил қурашмоқдалар. «Ўнинчи беш йилликка зарбдор якун», «КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олайлик» — бригада аъзоларининг шу кундаги шиори бўлиб қолди.

Ажойиб ташкилотчи, оташқалб йигит Илҳом Суяров Ватан олдидаги ўз бурчини шараф билан ада этмоқда. Ўз қўл остидагиларни ҳам ана шундай хизмат қилишга ўргатмоқда.

Б. ШАТИЛО.



ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ КЎРГАЗМАСИДА

ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ КЎРКИ

Қишлоқларимиз беқиёс даражада ўзгариб кетди. Фан-техника тараққиёти шаҳар ва қишлоқларимизнинг планлаштириш структураси ва ташкилий жиҳатларига ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовут йилдан йилга кескин камаймоқда. Бугунги қишлоқларимиз жамолини гулбоғларга қиёс қилса арзийди. Қишлоқларда эски типдаги хтуторлар ўрнига кўркам посёлкалар, кўплаб уй-жойлар, мактаблар, боғча-яслилар, клублар, кинотеатрлар қурилапти. Қишлоқ меҳнаткашларини шинам, кўркам уй-жойлар, маданий-маиший объектлар билан таъминлаш, сертармоқ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини индустриал асосда ўритишга кўмаклашаётган республика бинокорлари улкан ишларни амалга оширишяпти.

Эндиликда республикамизнинг кўпгина колхоз ва совхозлари ўзларининг посёлкалари ва марказий қўрғонларига эга. Бу комплекс посёлка ва қўрғонларда барча қулайликлар мавжуд. Ажойиб гулзорлар, хиёбонлар, парклар бунёд этилган. Республикамиз қишлоқ қурувчиларининг шижоати туфайли 1978 йилда биргина Узбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлиги йўли билан колхоз ва совхозларда 272,4 миллион сўмлик объектлар қуриб битказилди. 324 минг квадрат метр уй-жойларда ҳовли тўйлари ўтказилди. 38 минг 100 ўринли мактаб бинолари фойдаланишга топширилди.

Узбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг тематик павильонида «Энг яхши колхоз ва совхоз посёлкалари қурилиши ва уларни ободонлаштириш» деган мавзуда очилган республика кўрик кўргазмаси томошабинларни қишлоқ қурувчиларининг кейинги йилларда эришган ютуқлари билан таништиради. Бу ердаги диаграммалар, фотомонтажлар, макетлар хуторлар ва кўҳна қишлоқлар ўрнида замонавий посёлкаларни барпо этиш ва комплекс ободонлаштиришни ривожлантириш соҳасида Узбекистонда тўпланган тажриба ҳақида ҳикоя қилади.

«Узгипросельстрой», «Узгипросельхоз», «Узмежколхозпроект», «Средазгипроцелинстрой» сингари лойиҳалаш институтларида яратилган уй-жой ва жамоат биноларининг эксперименталлойиҳалари ва макетлари намойиш қилинмоқда. Кўргазма экспонатлари қишлоқларда уй-жой қурилиши бўйича Узбекистонда эришилаётган ютуқларни кўз-кўз қилади. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, республикамиз қишлоқларни замонавий типда қайта қуриш борасида мамлакатимизда етакчи ўринни эгаллайди. Мана баъзи рақамлар. Республикада ҳозирги пайтда 3674 колхоз ва совхоз посёлкаси бунёд этилиши мўлжалланган эди. Ўнинчи беш йиллик бошланганидан бери бош план асосида 3616 посёлка ёки кўзда тутилганининг 99 проценти, шунингдек, 1487 марказий қўрғон бунёд этилди. Шу беш йиллик мобайнида 439 минг ўқувчига мўлжалланган мактаб, 106 минг ўринли мактабгача болалар муассасалари, 6800 ўринли касалхона, 54 минг ўринли клуб ва маданият саройлари, умумий майдони 9 миллион 784 минг квадрат метр уй-жой бинолари ишга туширилди.

Етакчи лойиҳалаш институтлари колхоз ва совхозлар аҳоли пунктларининг бош планларини ишлаб чиқмоқда. Бу борада эришилган ютуқлар ҳам салмоқли. Посёлкаларни энг яхши қуриш ва ободонлаштириш учун ўтказилган Бутуниттифоқ кўрик-конкурси якунларига биноан Узбекистондаги 27 та ана шундай посёлка лойиҳаси Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг дипломлари билан тақдирланди. Самарқанд область, Пахтачи районидаги «Коммунизм» колхозининг «Хумор» посёлкаси республикада биринчи бўлиб Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг олий мукофоти— Ҳурмат дипломига сазовор бўлди. Яқин келажакда Узбекистонда 4 мингга яқин посёлка қуриш мўлжалланган. Ҳозир планлаштириш ва қуришнинг илғор усулларини жорий этиш мақсадида ҳар бир область учун андоза сифатида республикада 12 та эксперименталнамунавий посёлка қурилмоқда.

Кўргазма экспонатлари экспериментал лойиҳа асосида қурилган посёлкаларнинг айримлари ҳақида маълумот ҳикоя қилади. Тошкент область, Янгийўл районидаги Ленин номли колхознинг марказий посёлкаси, Хоразм область, Хонқа районидаги Охунбобоев номли колхознинг «Қурултой» посёлкаси, Пахтаобод районидаги «Коммуна» колхозининг марказий қўрғони, Дўстлик районидаги Октябрь 50 йиллиги номли совхознинг марказий қўрғони ва бошқа посёлкаларнинг фотосуратлари ва макетлари киши диққатини ўзига тортади.

Эндиликда қишлоқларда ҳам йирик панелли уйлар кўплаб қурилмоқда. Механизациядан унумли фойдаланиш туфайли қишлоқ аҳолисига кўркам ва бежирим уй-жойлар қуриб берилмоқда. Ҳозир уйсозлик комбинатлари кўплаб уй-жой деталлари тайёрлашяпти. Республикамиздаги ҳар бир районнинг табиий иқлим шароитига қараб уй-жойлар лойиҳаси тузилмоқда. Масалан, «Хоразм», «Жанубий» сериясидаги уйлар қишлоқ аҳолисига, айниқса, маъқул бўлмоқда.

Кўргазма экспонатлари республикамизда қишлоқ қурилиши нақадар тезкор суратлар билан ривожланаётганлигини кўрсатади. Бу борада эришилаётган ютуқлар шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутни кескин камайтиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилиши, шубҳасиз.

Ю. ЗИЁДОВ,
Ш. МИРҲАБИБОВ.

Суратларда: Хоразм область Хонқа районидаги Охунбобоев номли колхоз посёлкаси ҳамда Пешқу районидаги Абу Али ибн Сино номли колхознинг «Афшона» посёлкаси.

А. Палехов фотолари.

Реклама ва эълонлар

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

кафедралар бўйича вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: бухгалтерия ҳисоби ва молия, меҳнат муҳофазаси фитопатология (профессорлар, доцентлар);

профессор: қишлоқ хўжалик мелиорацияси;

доцентлар: бошқарув ва совет ҳуқуқи, сиёсий иқтисод, энтомология ва зоология;

катта ўқитувчилар: КПСС тарихи, жисмоний тарбия (2);

ассистентлар: КПСС тарихи, сиёсий иқтисод, фалсафа, бошқарув ва совет ҳуқуқи, ботаника, селекция ва уруғчилик;

ўқитувчилар: чет тиллари чет эллиларга рус тили ўқитиш (2), жисмоний тарбия (2);

ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ БЎЙИЧА:

мудирлар: бухгалтерия ҳисоби, хусусий зоотехника;

доцентлар: сиёсий иқтисод, хусусий зоотехника;

катта ўқитувчилар: фалсафа ва илмий коммунизм курслари бўйича марксизм-ленинизм;

ассистентлар: сиёсий иқтисод, умумий илмий фанлар (аналитик химия курси), қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва электрлаштириш, ботаника, ўсимликшунослик, қишлоқ хўжалик корхоналарини ташкил этиш ва иқтисод (2).

КОНКУРС МУДДАТИ— ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: Тошкент шаҳар, 183-алоқа бўлими.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/XI да Шошма қуёш.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 14/XI да Тўйдан олдин томоша, 15/XI да Тошкентнинг нозанин маликаси.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/XI да Тўй муборак, қари қиз, 15/XI да Чандиқлар.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Шимпанзелар цирки» аттракционининг гастроллари (19.30).

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

17 НОЯБРЬ соат 19.00 да СССР биринчилиги учун «ДИНАМО» (Минск) — «ПАХТАКОР» (Тошкент) КОМАНДАЛАРИ ЎРТАСИДА

ФУТБОЛ

СПОРТ

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

* ОЛИЙ ЛИГА. Мастерлар группасида мамлакат чемпионатининг 32-тур ўйинлари бугун ниҳоясига етади. Бўлиб ўтган учрашувларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди. «Локомотив» — «Кубань» —1:1, ЦСКА — «Карпат» —2:0, «Қайрат» — «Динамо» (Тб) — 0:0. «Пахтакор» футболчилари Ерсванда «Арарат» командаси меҳмони бўлиб муваффақият қозондилар. Ягона тўпни учрашувнинг биринчи ярмида Якубов дарвозага йўллади.

* БИРИНЧИ ЛИГА. Яна бир тур ўйинларидан кейин мамлакат чемпионати якунланади. Симферополнинг «Таврия» футболчилари муддатидан илгари олий лигага йўлланма олдилар. Мастерлар группасига ўтиш учун имкон берадиган иккинчи йўлланмага «Днепр» ва «Металлист» коллективлари талабгорлик қилмоқдалар. Якунловчи тур ўйинларидан бирида Жиззахнинг «Бўстон» командаси «Шинник» коллективини қабул қилиб (2:2), жами очколарини 42 тага етказди. Бу, жиззахлиларнинг дуранг ҳисобида тугаган 12-учрашувидир. «Бўстон» сўнгги учрашувни «Фақел» футболчилари билан ўтказади.

* ИККИНЧИ ЛИГА. Учинчи эшелоннинг зона ғолибларидан иборат тўққиз командаси уч группага бўлинган ҳолда биринчи лигага ўтиш учун финал учрашувларини ўтказмоқда, Самарқанднинг «Динамо» командаси иккинчи группага кирувчи «Трактор» ва «Торпедо» коллективлари билан куч синашмоқда. Ҳозирча динамочилар билан «Трактор» футболчилари муваффақиятли тўп сурмоқдалар. Самарқандлилар учинчи учрашувда Тольяттининг «Торпедо» командасини қабул қилиб (5:0), бошта очко жамғардилар. «Торпедо» — «Трактор» учрашувида 2:1 ҳисоби қайд қилинди. Энди динамочилар сўнгги учрашувни «Трактор» командаси майдонида ўтказишади.

* ТРЕНЕР ХОТИРАСИ. Республикада хизмат кўрсатган тренер, СССР спорт мастери, таниқли футболчи Ҳамид Раҳматуллаев хотираси совринни учун ўтказилган турнир якунланди. Усмирлар ўртасида давом этган совриндорлик баҳсида 10 команда икки группага бўлинган ҳолда куч синашди. Мусобақада тошкентлик футболчилар қатори мамлака, тимизнинг олти шаҳридан келган командалар ҳам иштирок этди. Ғолиб командалар учрашувида тбилисилик футболчилар 4:2 ҳисобида муваффақият қозониб, бош совринни қўлга киритдилар.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ИРОҚ-ЭРОН МОЖАРОСИ

БАҒДОД, 12 ноябрь. (ТАСС). Ироқ томони ҳарбий маълумотларида ўтган суткалар давомида Эрон солдатларидан 76 киши ўлдирилганлиги ва кўп миқдорда ҳарбий техника яксон этилганлиги хабар қилинади. Ироқ қўшинлари томонидан қуршаб олинган Ободон шаҳрида яна бир нефть омбори портлатилди. Эрон самолётлари Ироқнинг Сулаймония вилояти граждан объектларига зарба бердилар. Икки самолёт уриб туширилди.

ТЕҲРОН, 12 ноябрь. (ТАСС). Ободон шаҳри узлуксиз ўққа тутилмоқда. Бунинг натижасида граждан аҳолиси ўртасида ўлдирилганлар ва жароҳатланганлар бор.

Қуролли кучлар бирлашган штабининг ахборотига мувофиқ, Эрон авиацияси кеча Ироқдаги Фао портига ҳужум қилган. Портдаги ўқ дори омборлари ва ёнилги солинган цистерналар яксон этилган. Авиациянинг ҳужум қилиши натижасида Қасри-ширин яқинида Ироқ солдатларидан 350 киши ўлдирилган ва 8 танк мажақлаб ташланган. Базмиравот райони ва Суссангертда бўлиб ўтган жанглар вақтида ироқликлардан 157 киши ўлдирилган. Сумара, Кони-сахт, Гилянe-ғарб районларида отишмалар бўлаётганлиги хабар қилинмоқда.

НЬЮ-ЙОРК, 12 ноябрь. (ТАСС). БМТ Бош секретари К. Вальдхайм Швециянинг собиқ бош министри У. Пальмени Эрон-Ироқ можаросини бартараф этишга кўмаклашиш учун ўзининг вакили қилиб тайинлади. К. Вальдхайм ҳар икки томон У. Пальмени қабул қилишга розилик билдирганлигини хавфсизлик кенгашига маълум қилди. У. Пальменинг вазифаси «тинчликка эришиш мақсадида шошилинч тарзда музокаралар ўтказишни таъминлаш учун манфаатдор ҳукуматлар билан ва улар ўртасида олий даражадаги алоқаларни енгиллаштиришдан» иборатдир.

АВТОМОБИЛСОЗЛИК КРИЗИСГА УЧРАДИ

НЬЮ-ЙОРК, 13 ноябрь. (ТАСС). «Америкэн моторс» автомобилсозлик корпорациясининг маъмурияти Висконсин ва Огайо штатларидаги бир қанча заводларда автомобиллар ишлаб чиқаришнинг икки баравар қисқартирилишини эълон қилди. Корхона эгаларининг мана шу ҳаракатлари натижасида 2,3 мингдан кўпроқ ишчи ва хизматчи ишсиз бўлиб қолади. Улар ишсиз автомобилсозларнинг ғоят катта армияси сафига қўшиладилар. Ҳозирги вақтда автомобилсозлардан қариб 300 минг киши иш тополмай сарсон бўлиб юрибди.

ПЛАНЕТАМИЗДА

МАДРИДДАГИ УЧРАШУВ

МАДРИД, 12 ноябрь. (ТАСС). Испания пойтахтида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашида қатнашган давлатлар вакилларининг асосий учрашуви бошланди. Бу учрашувда 35 мамлакат делегациялари қатнашмоқда. СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Л. Ф. Ильичев совет делегациясига бошчилик қилмоқда.

Мадрид анжуманининг мақсади 1975 йилда Хельсинкида ўтказилган кенгашнинг Якунловчи актида белгилаб берилган эди. Бу мақсад ана шу тарихий ҳужжат қоидаларини бажариш ҳақида, Европа давлатлари ўртасидаги муносабатларни яхшилаш, хавфсизликни мустаҳкамлаш, ҳамкорликни ривожлантириш ва қитъада кескинликни юмшатиш жараёнини чуқурлаштириш тўғрисида фикрлашиб олишдан иборат.

Испания ташқи ишлар министри Хосе Педро Перес-Льорка Мадрид учрашувининг қатнашчиларини таблиқлаб, бу учрашув ижобий натижалар беради ва Европа қитъасида ҳамкорликни мустаҳкамлашга ёрдам берадиган қарорларни ишлаб чиқади, деб умид билдирди.

Аммо бу анжуман очилиши расман бўлди, чунки бугун ишга тушган ишчи комиссияларда Мадрид учрашувининг кун тартибини ва уни ўтказиш бошқа шартларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ масалаларнинг муҳокамаси давом этмоқда. Шундай қилиб, тўққиз ҳафтадан зиёд давом қилган тайёргарлик босқичи чоғида Европадаги 33 мамлакат, АҚШ ва Канада вакиллари кўриб чиқиш билан шуғулланган проблемалар муҳокама қилинмоқда. Бунга сабаб шуки, АҚШ делегацияси, НАТО блокидаги бошқа баъзи мамлакатларнинг делегацияси Мадриддаги асосий анжуман очилишини тўхтатмоқ учун сўнгги вақтгача ҳар хил ҳийла-найранглар ишлатиб келдилар. Тайёргарлик учрашувининг қатнашчиларини бундай ҳийла-найранглар ҳайрон қолдирди. Бу мамлакатлар шундай пайсалликлар чиқариш учун ғоятда процедура масалаларидан, баъзида учинчи даражали аҳамиятга эга бўлган процедура масалаларидан фойдаланмоқдалар. Адолат юзасидан айтиб ўтиш лозимки, АҚШ ва иттифоқчиларининг шу майда, лекин иш юришини қийинлаштирувчи шу процедура найранглари қузватламаётган Ғарб мамлакатлари ҳам бор.

Бу ерда маълум бўлишича, жумладан, Мальта вакили бундай позицияни танқид қилиб гапирди. Бошқа делегатлар бундай найранглар Мадриддаги асосий учрашувнинг боришига ва унинг муваффақиятли ишлашига хавф солади, чунки улар консенсус принципига барбод этади. Маълумки, Хельсинкидаги анжуманнинг иши шу консенсус принципига асосланган ва унинг ёрдами билан биринчи даражали аҳамиятдаги аҳдномаларга ва ўзаро матлуб битимларга эришилган эди.

Америка делегациясининг бошлиги матбуот конференциясида гапириб, АҚШ Мадриддаги асосий анжуман ишида «жиддий ва салмоқли» қатнашиш ниятида эканлигини айтганидан сўнг АҚШ вакилларининг процедура масалаларига доир қилаётган ишлари, айниқса тажжубланарлидир.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар Мадрид учрашуви амалий, конструктив руҳда ўтиши, бу учрашувда хавфсизлик ва тинч ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг барча асосий йўналишларида бундан буён амалий қадамлар қўйиш тўғрисидаги аҳдномалар ишлаб чиқилиши учун курашмоқдалар. Учрашувда Европада ҳарбий кескинликни юмшатиш ва қуролсизланиш юзасидан конференция чақириш тўғрисида қарор қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлур эди. Социалистик давлатлар шундай ташаббус кўрсатиш билан бирга Франция, Финляндия, Швеция ва бошқа баъзи мамлакатлар илгари сурган таклиф ва ғояларни кўриб чиқишга тайёр эканликларини изҳор қилмоқдалар.

Социалистик, бир қанча бетараф мамлакатлар ва бошқа баъзи мамлакатларнинг вакиллари Мадридда Якунловчи актнинг иқтисодий ва ҳарбий кескинликни юмшатиш проблемалари билан бир қаторда маданият, маориф, кишилар ўртасидаги алоқаларга доир бўлган барча асосий бўлимлари юзасидан олға томон мувозанатлашган силжишни таъминлаш зарур деб ҳисобламоқдалар. Учрашувнинг барча қатнашчилари яхши ният билан иш кўриб, халқаро кескинликни юмшатишга ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка интилганлари таҳдирдагина шу тариқа олға томон силжиш бўлиши мумкин, албатта.

Хельсинкида ўтказилган Умумевропа кенгашида тарихий Якунловчи акт қабул қилинган эди. Бу акт ҳозирги кунда ҳам ўзининг ҳаётий кучини сақлаб қолмоқда ва Европада тинчликнинг тақдири учун муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Мадриддаги учрашувнинг муваффақиятли ўтиши Хельсинкидаги шу кенгашдан буён ўтган дастлабки беш йилликни муносиб равишда тугаллаган бўлур эди.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Мўйноқ районидаги балиқчилик хўжаликлари балиқ сотиш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар. Қўллар ва сув ҳавзаларини балиқлаётган тўлдиришда актив ишлаганликлари, балиқ чавоқларини яхши парвариш қилганликлари туфайли бу муваффақиятга эришилди.

ЯНГИЛИК ШАРОФАТИ

Наманган шойи газламалар комбинатининг ишчилар ошхонасида янги «официант» пайдо бўлди. Турли хил овқатларни тарқатувчи янги автомат линия — «Славянка» бир вақтнинг ўзида юздан кўп кишига хизмат қилади. Энди ошхонада ўн минут ичида овқатланиб олиш мумкин.

АХБОРОТ

ЧЕТ ЭЛЛАРГА ЖЎНАТИЛМОҚДА

«Узбекбирлашув»га қарашли Қўқон консерва заводининг маҳсулоти халқаро бозорга чиқди. Корхона коллективи Польша Халқ Республикаси кооператорларининг буюртмасини муддатидан илгари бажариб, уларга юз минг банкага яқин помидор пастаси жўнатди. Қўқонликлар Германия Демократик Республикасига консерва қилинган йигирма тонна асал жўнатишди.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — Гимнастика. 10.15 — Фильм-концерт. 10.25 — Оптимистик трагедия. Бадиий фильм. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.40 — Давлат ва революция. 16.10 — Шостакович номли квартет чалади. 16.40 — Ёш спортчининг катта майдони. 17.10 — Подмосковье учрашувлари. 17.40 — Усталар шаҳри. Бадиий фильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Жасорат. 20.00 — СССР халқ артисти Н. Ткаченко ижросида романслар. 20.30 — Меҳнат шон-шуҳрати байроқдорлари. 20.45 — Дахшатли тун. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.15 — Эрмитаж. 22.45 — Дунё воқеалари. 23.00 — 1980 йил қўшиқлари.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Бойчечак. 12.30 — Яшаш учун кураш ва табиий танлаш. 13.00 — Ҳужжатли фильм. 13.10 — Ёшлик. 13.40 — Замандас. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Ёшлик. 19.00 — Партия ташкилотларида ҳисобот ва сайловлар. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Узбекистон Композиторлар союзининг пленуми. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Узбекистон Композиторлар союзи пленумининг давоми. 21.30 — Время. 22.15 — Бугун оламда нима гап? 22.45 — Эртага премьера.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Нозик тили. 20.55 — Сарой таклиф қилади. 21.25 — Чизма геометрия. 22.25 — Муали зулматни ёриб. Бадиий фильм.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Халқ талантлари концерти. 9.35 — Ш. Рамазонов қўшиқлари. 12.10 — Гулла, яшна қўриқ ўлка! 13.00 — Бугун. Ўрта Чирчиқ бўрдоқичилик базасида. 14.00 — Куз саховати. 18.15 — КПСС Марказий Комитети октябрь Пленумининг қарорлари — ҳаётга. 18.25 — Юность Узбекистана. 19.25 — М. Насимов «Дилбарим» вокал-сюита. 21.15 — Қишлоқда турмуш ва маданият. 21.25 — Қишлоқ меҳнаткашларининг талабларига биноан концерт. 22.30 — Э. Хемингуэй «Чол ва денгиз». Повесть асосида радиопостановка. 23.35 — Дам олиш концерти.

Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти ректорати, партия комитети ва жамоат ташкилотлари институт кўп тиражли газетаси «Совет педагоги»нинг масъул котиби С. Тожибоевга отаси

Эшназар ТОЖИБОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Узбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети коллективи республика телевидениесининг режиссёр ассистенти М. Ғанибоевга отаси

Ғанибой МИРҲАЛИЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Узбекистон ССР Социал таъминот министрлиги республика миқёсидаги шахсий пенсионер, 1930 йилдан буён КПСС аъзоси

Абдулла ҚУҚОНБОЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент халқ хўжалик институти коллективи рус тили кафедрасининг ўқитувчиси С. С. Рўзиевага онаси

Марьям ЗУННУНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат педагогика институти ректорати, партия ва жамоат ташкилотлари ҳамда КПСС тарихи кафедраси коллективи шу кафедранинг доценти А. Охуновга опаси

Марҳаматхон ОХУНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор— 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-29; 32-54-18, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20, Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27, Сурхондарё — 3-92-36, Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02371 Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Б. — 262. 6